ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

Ибрагимов Ўлмас Рахманович

ЎЗБЕКИСТОНДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Наманган вилояти мисолида)

Мутахассислиги: 5А230201 “МЕНЕЖМЕНТ”(реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

***Д И С С Е Р Т А Ц И Я***

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Н. Нарзуллаев

Наманган - 2015

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | КИРИШ............................................................................................ | 3 |
| **I БОБ.** | **Хизмат кўрсатиш соҳасиини ривожлантиришнинг назарий ва хуқуқий асослари.....................................................................** | **10** |
| 1.1 | Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари… | 10 |
| I.2 | Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хуқуқий асослари........................................................................... | 16 |
| I.3 | Ўзбекистонда намунавий турар жойлар қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожланиши.................................................... | 23 |
| | I- боб бўйича хулоса.......................................................................... | 36 |
| **II БОБ.** | **Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш..................................** | **39** |
| 2.1 | Наманган вилояти уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар тахлили............................................. | 39 |
| 2.2 | Наманган вилоятида коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлаш асослари.................................................................... | 45 |
| 2.3 | Наманган вилоятида истеъмолчи-мижозларнинг коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш йўллари................................................... | 54 |
| | II- боб бўйича хулоса......................................................................... | 59 |
| **III БОБ.** | **Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари..................** | **62** |
| 3.1 | Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бошқарув бўғинларига ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш........................................................................................ | 62 |
| 3.2 | Хизматлар соҳасини самарали бошқаришни такомиллаштириш....... | 66 |
| | III- боб бўйича хулоса........................................................................ | 74 |
| | Хулоса.............................................................................................. | 76 |
| | Фойдаланилган адабиётлар................................................ | 84 |

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси сифатида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш сохасини янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантираётган, ахоли турмуш даражаси хамда сифатини яхшилашда юқори самара бераётган ушбу соха ижтимоий ва халқаро мехнат тақсимотининг, иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан бири хисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб “2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда”[1] деб таъкидладилар.

---

[1] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб боряпти, деб айтишга асос беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий даража қанчалик юқори, индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги юксак бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ортиб боради.

Бугун иқтисодий амалиётда хизматларнинг мутлақо янги турлари вужудга келмоқда, анъанавий хизмат турлари эса сифат жиҳатдан такомиллашиб, индивидуаллашув характерига эга бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз маърузаларида, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлиги белгилаб "Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмаслик даркор"[2] деб кўрсатиб ўтдилар.

Хозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз аҳолисининг яшаш шароити яхшиланганлиги, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантирилиши

---

[2] Каримов И.А. "2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

ҳамда ободонлаштирилиши, зарур инфратузилманинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатимизнинг кўп қаватли уйларида истиқомат қиладиган аҳолисининг иссиқлик, электр-энергияси ҳамда газ таъминотига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ахоли моддий ва маданий турмуш савиясининг изчил яхшиланиб бораётганлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бундай изчил яхшиланишнинг ижтимоий мезонларидан бири шахарлар ва бошка ахоли пунктларини марказлашган иссиклик, сув, газ ва хоказолар билан таъминланиши хисобланади. Чунки, инсоннинг бўш вақти саломатлиги, кайфияти, мехнат фаоллиги яшаш шароитларидаги қулайликлар қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Албатта, уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиши билан ундан фойдаланиш фаолияти кенгайиб, инсон қобилиятларининг ортиши учун шароитлар яратилади.

Юкоридагилар боис, уй-жой коммунал хўжалиги тизими бошқарувининг такомиллашуви халқ фаровонлигини ошириш юзасидан муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа сифатида белгиланган. Бу вазифанинг самарали бажарилиши моддий неъматларни пировард истеъмолчиларга етказиш, яъни моддий неъматлар истеьмоли жараёнига хизмат кўрсатиш, ходимларнинг мехнат ва дам олиши окилона уйғунлашувини мустахкамлайди .

Бу масала алоҳида минтақалар даражасида янада муҳим амалий аҳамиятга эга чунончи, аҳолиси, минтақавий демографик жараёнлар, хўжалик тузилмаси ва ундаги ислоҳотлар, ривожланиш суръати, салоҳияти билан ажралиб турувчи Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш муносабатларини тадқиқ этиш, бугунги кунда вилоятда мавжуд бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида ўзига хос ўрин тутади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Магистрлик диссертацияси учун тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети.** Бозор иқтисодиёти шароитида вилоят иқтисодиётида шаклланган иқтисодий муносабатлар, шу жумладан, вилоят иқтисодиёти таркибида коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларининг бошқа секторлар билан алоқадорлиги ҳамда вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш масалалар мажмуи тадқиқот предмети сифатида белгиланди.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш амалиётини, эришилган ижобий жиҳатлар, мавжуд муаммоларни мажмуавий тадқиқ этиш, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун магиситрлик диссертациясида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;

- Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хуқуқий асосларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда намунавий турар жойлар қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини кўриб чиқиш;

- Наманган вилояти уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларини ўрганиш;

- Наманган вилоятида коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Наманган вилоятида истеъмолчи-мижозларнинг коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш бўйича таклифлар бериш;

- Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бошқарув бўғинларига ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш ва хизматлар соҳасини самарали бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Хизматлар соҳаси ва ундаги иқтисодий муносабатлар хорижлик олимлар Ф.Булдерстон, Б.Бошворч, Д.Уотерс, А.Вольф, С.Дункан, Д.Пилат, Дж.Фредерик, П.Черингтон, тадқиқотларида кенг ўрин олган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тизимининг алоҳида соҳалари ҳамда миллий, тармоқ ва минтақавий тузилмаларда ривожланиши масалалари МДҲ олимларидан Е.А.Громов, Л.Демидова, Е.Н.Жильцов, Л.М.Кликич, В.Б.Кондратьев, В.А.Мешков, В.Е.Николайчук, К.Рудий, Т.Н.Скоробогатова, Ю.В.Свириденко ва А.И.Панов асарларида тадқиқ этилган.

Хизматлар соҳаларининг ташкилий, бошқарув, иқтисодий жиҳатлари, тармоқ хусусиятлари Ўзбекистонлик олимлар Т.И.Мардонқулов, Х.М.Маматқулов, Ч.Муродов, Б.Т.Салимов, Ш.Тўйчиев, А.Н.Хамдамов, Х.Хусанов, Э.С.Файзиев, Қ.А.Чориев, Д.Суюнов, Н.Ўроқов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ўрин олган.

Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш шароитида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини самарали бошқариш масаласи мустақил тадқиқот сифатида ўрганилган эмас. Юқоридагиларни инобатга олиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари ушбу магистрлик диссертацияси мавзуси сифатида танланди.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида иқтисодий таҳлил ва

синтез, диалектик, илмий абстракция, қиёслаш, статистик, монографик, баҳолаш усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлиллар натижасида аниқланган Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда истиқболда коммунал хизматлар бошқаришни ривожлантириш юзасидан илгари сурилган таклифлар ташкил этади. Билдирилган таклиф ва тавсиялардан илмий тадқиқот ишларида, ўқув жараёнида ҳамда вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар, худудий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Магистрлик диссертацияси бўйича олиб борилган изланишлар натижасида хизматлар соҳасининг ривожлантиришнинг назарий асослари ва республикамизда ушбу соҳани ривожлантиришнинг хуқуқий асослари очиб берилган, Ўзбекистонда намунавий турар жойлар қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожланиши ўрганилган, Наманган вилояти уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари тахлил қилинган, Наманган вилоятида коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлаш, истеъмолчи-мижозларнинг коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бошқарув бўғинларига ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш ва хизматлар соҳасини самарали бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Ишнинг таркиби.** Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқот объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари

белгиланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва илмий янгилиги ёритилган

Магистрлик диссертациясинин биринчи боби “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантиришнинг назарий ва хуқуқий асослари” деб номланган биринчи бобида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг назарий асослари, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хуқуқий асослари, Ўзбекистонда намунавий турар жойлар қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари тадқиқ этилган.

“Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ташлкил этиш ва ривожлантириш” деб номланган иккинчи бобида Наманган вилояти уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари ўрганилган, Наманган вилоятида коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлаш, истеъмолчи-мижозларнинг коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Магистрлик диссертациясининг “Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш сохасини бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари” номли 3-бобида коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бошқарув бўғинларига ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш ва хизматлар соҳасини самарали бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида олиб борилган изланишлар бўйича олинган натижалар, таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

# I- БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари

Жамият тараққиётининг хозирги босқичида иқтисодиёт нафақат ишлаб чиқариш, балки минглаб хизмат турларини мужассамлайдиган сохалар мажмуига айланди. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси сифатида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш сохасини янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантираётган, ахоли турмуш даражаси хамда сифатини яхшилашда юқори самара бераётган ушбу соха ижтимоий ва халқаро мехнат тақсимотининг, иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан бири хисобланади. У бошқа тармоқларнинг ривожланишига, янги иш ўринларини яратишни мувофиқлаштиришга, янги технологияларни жорий этиш ва такомиллаштиришга, миллий иқтисодиётни бир бутун ва унинг минтақаларида хусусий тадбиркорлик тараққиётини жадаллаштиришга, рақобатбардошлигини оширишга имкон яратади.

Хизмат кўрсатиш сохаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнлар ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси ва сифати яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади. Хизматлар тўғрисидаги илмий қарашлар дастлаб классик иқтисодиёт назарияси намояндалари асарларида шаклланган эди. Соха мутахассис-олимлари “хизматлар” тушунчасининг мохиятини очиш хамда уларнинг товар шаклидаги ноз-неъматлардан тубдан фарқ қилишини асослаш мақсадида инсон истеъмол қиладиган барча ноз-неъматларни икки турга: моддий ва номоддий ноз-неъматларга бўлганлар. Мазкур иқтисодий таълим назариётчилари барча хизматларни номоддий ноз-неъматлар сифатида қараб, фан тарихида илк бор “хизматлар” илмий тушунчасининг шаклланишига асос солганлар. Буюк иқтисодчи А. Смит (1723-1790) хизмат

шаклидаги ноз-неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўларок очиб бериш хамда уни мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини хал этиш мақсадида “унумли мехнат” ва “унумсиз мехнат” тушунчаларини киритган[3]. Унинг фикрига кўра, моддий махсулот, моддий неъмат яратадиган барча мехнат турлари унумли мехнат бўлиб, янги қиймат яратади. Бундан фарқли ўларок, хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг мехнати унумсиз бўлиб, бу мехнат янги қиймат яратмайди, балки моддий ишлаб чиқаришда яратилган қийматни ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Классик иқтисодий таълимот намояндаларининг номоддий неъматлар хамда хизматлар тўғрисидаги тасаввурлари ва илмий қарашлари кейинги давр иқтисодчи олимлари тадқиқотларида ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди. Жумладан, англиялик иқтисодчи А.Маршалл (1880-1959) хизматлар тўғрисида анча дадил ва мантиқан асосланган фикрларни ўртага ташлади, натижада, хизмат кўрсатиш сохасининг назарий асосларини шакллантиришга муносиб хисса қўшди[4]. У хизматларни мехнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Ушбу масалада А.Маршалл классик иқтисодий таълимот намояндалари фикрларидан узоқлашиб кетмаган бўлсада, хизматларнинг ижтимоий бойликни шакллантиришдаги ролини очиб беришда анча илғор фикрларни илгари сурди. У барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг хар бири мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай мухим эканлигини исботлашга алохида эътибор қаратди. У инсон хаёт фаолиятида ва эхтиёжларини қондиришида моддий ноз-неъмат (табиат инъом этган неъматлар, саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ишлаб чиқарган махсулотлар ва х.к.) ларнинг ўта мухим ва зарур эканлигини тўла эътироф этиш билан бир қаторда, кўз билан илғаб ёки бошқа сезги органлари ёрдамида хис этиб бўлмайдиган турли номоддий ноз-

[3] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. Е.М.Майбурда. - М.: 1993, с. 152.
[4] Маршалл А. Принципы экономической науки., Т. Перс анг.- М.: Прогресс, 1993, Т.2, с. 259.

неъматлар ва хизматлар хам катта ахамиятга эга эканлигини алохида таъкидлаган.

Хаёт фаолияти ва турмуш кечириш тарзи моддий кўринишдаги неъматлар учун моддий қулайликлар яратади. Лекин, инсон учун, унинг хаёти учун у қандай даврда, қандай мамлакатда яшаётганлиги, ўша мамлакатдаги аҳвол, фуқаролик ва харбий хавфсизликнинг таъминланганлиги, давлат мулкидан фойдаланиш ва бепул таълим олиш имкониятлари, суд томонидан химояланиш хуқуқи кабилар хам ўта муҳим хисобланади. А.Маршаллнинг фикрича, айнан ана шу сабабли, ушбу неъматлар хам мамлакат ижтимоий бойлигини бахолашда ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу илмий қараши билан А.Маршалл “ижтимоий бойлик” тушунчасининг моҳиятини очишда ўзигача маълум бўлган назарияларни нисбатан ривожлантиришга муваффақ бўлди. Айнан шу ёндашув хозирги замон олимлари томонидан хам тан олинган[5].

Хизматлар соҳаси хақидаги хозирги замон назарий билимларидаги дастлабки тасаввур ва илмий қарашлар аввалгиларидан мазмунан анча йироқлашиб кетди. Хизматлар соҳасининг хозирги кундаги улкан иқтисодий салохияти ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётидаги мавқеи ва ушбу соҳа хақидаги назарий билимлар бир неча асрлар давомидаги эволюцион ривожланишнинг натижасидир.

Хизматлар жамият тараққиётида мухим ахамиятга эгалигига қарамасдан, мазкур соҳанинг назарий масалалари махсус адабиётларда ҳозиргача етарлича ёритилммаган, “хизмат” тушунчаси, унинг иқтисодий мохияти соҳа олимлари томонидан тўлиқ очиб берилмаган, натижада, ҳатто амалдаги қонунчиликда ҳам аниқ изоҳланмаган. Ушбу қонуният айрим олимлар томонидан ҳам эътироф этилган. Масалан, В.А.Кабатова буни алохида таъкидлаб, дейдики,

[5] Масалан, Э.М.Агабабьян, И.Н Пузин "Ишлаб чикариш муносабитлари. такрор ишлаб чикаришнинг ижтимоий бойлигини иитенсивлаштириш, иктисодий усишнинг асосий омили сифатида-мехнатга лаёкатлиликнинг умумий ривожланиши, даражаси, холати каби курсаткичлар натижа куринишида наиоён булади" деб таъкидлайди. (Э.М.Агабабьян, И.Н Пузин . Производство-потребление. -М.: Экономика, 1991, 18-6.)

муҳимлиги ва ахамиятлилига қарамасдан, қонунчиликда хизмат кўрсатишнинг аниқ тушунчаси хали ҳам изоҳланмаган[6] .

Иқтисодий назарияга оид дарслик ва бошқа китобларда[7] хам масалага етарли даражада эътибор берилмаган. Хар бир масаланинг назарий ечими бўлмаса, уни амалий жихатдан ривожлантириш қийин кечади, албатта.

Хизматнинг мохиятига доир муаммоларни хисобга олган ҳолда айрим сўзларнинг луғавий маъносига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. “Ўзбекча - русча луғат”да “хизмат - хизмат қилиш, иш, хизматга (ишга)оид”[8], деб кўрсатилган. “Ўзбек тилининг изохли луғати"да эса, хизмат; иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам, деб қайд этилган, “Хизмат” ибораси бир неча мазмунда қўлланилиши эътироф этилган: 1. Бирор иш ёки мехнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, мехнат. 2. Бировнинг ишини бажариш, яхшилик қилиш; яхшилик. 3. Бирор ташкилот ёки муассасада бажариладиган иш; вазифа; лавозим. 4. Иш, вазифа, функция. 5. Иш, топшириқ, вазифа. 6. Армия сафида бўлиш, харбий мажбуриятни ўташ[9]. В.И.Даль томонидан тузилган луғатда “хизмат” тушунчаси қуйидагича талқин этилган: хизмат курсатиш, ёрдам, имтиёз, кўмак, кунглини топмоқ, истагини бажо келтирмоқ[10]. Бироқ, ушбу луғатларда келтирилган талқинларда “хизмат” тушунчасининг мохияти тўлиқ ифодаланмаган. “Ўзбек тилининг изохли луғати”да хизмат инсоннинг иқтисодий фаолияти эканлиги эътироф этилган бўлишига қарамасдан, унинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда бошқа иқтисодий фаолият турларидан нималари билан тўлиқ фарқланиши асослаб берилмаган.

“Хизмат” тушунчаси иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнат фаолияти, харакати билан бир қаторда, хизматнинг хусусиятларини, меҳнат

---

[6] Кабатова ВА. Возмездное оказание услуги. //Гражданский кодекс РФ.Ч.2:Комментарий. - М., 1996, с.392.
[7] Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.- Т.: Шарқ. 2006, 480б.; Умаров У Иқтисодиёт назарияси. Укув қўлланма. - Т.: Мерос, 2004. 400б.; Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: 2002. 405 б.; Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
[8] Узбекско-русский словарь. - Т.: УСЭ Бошредакцияси. 1988, с.519
[9] Ўзбек тилиниинг изохли луғати. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008, тўртинчи жилд, 606,395-396-б.
[10] Даль В.И. Толковый словарь великорусского языка. 2-е изд. Т. IV. - М., 1882, с.512.

фаолиятининг бошқа турларидан қандай фарқи борлигини, ахамиятини хам ифодалаши лозим, деб ўйлаймиз.

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида иқтисодчи олимлар хизматнинг жараён эканлигини таъкидлашмоқда. Хизмат ва уни кўрсатиш жараёнида маълум кетма-кетликда харакатлар ёки операцияларнинг "...хизмат кўрсатиш жараёнлари сценарияси", "хизматлар театридаги сервис жараёнларда мижозлар билан алоқада бўлиш" эканлиги, "...хизмат - харакатни билдиради", деб кўрсатишмоқда (муаллиф таржимаси)[11].

Махаллий олимларимиздан профессор Ж. М. Курбонов "хизмат" тушунчасининг моҳиятига алохида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган: "Хизмат инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириши йўлидаги харакатидир"[12]. Ушбу таърифда хизматлар бир гурух инсонлар, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг иккинчи гурух инсонларга, яъни истеъмолчиларга яхшилик қилиши, аниқроғи, уларнипг эхтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилган харакати сифатида қаралган. Албатта, хар қандай хизмат хам уни ишлаб чиқарувчи субъектнинг маълум бир ақлий ёки жисмоний интилишлари, харакати ёрдамида яратилади ва шу тақдирдагина истеъмолчига буюмлашмаган неъмат сифатида таклиф этилади. Истеъмолчи ушбу неъмат орқали ўзининг маълум бир эхтиёжини қондиради, яъни фойда кўради. Ушбу нуқтаи назардан хизмат кўрсатиш, яъни хизматни ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига таклиф этиш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан яхшилиги, эзгулиги, деб қараш ўринли.

Инсоннинг хар томонлама ривожланишини таъминлаш хам моддий ишлаб чиқаришда, хам номоддий ишлаб чиқаришда, шу жумладан, хизматлар соҳасида амалга оширилади. Мехнат маҳсулоти ва унинг натижасини фақат буюмлаштирилган деб тушуниш, фикримизча, нотўғри. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида хизматлар зарур иқтисодий воқелик сифатида юзага келади ҳамда ўзининг қиймат ва истеъмол қийматига эга бўлади. Бироқ,

---

[11] Лавлок К. Маркетинг услуги: персонал, технологии, стратегии. Пер.с анг. 4-е изд.- М.: Вильямс, 2005.
[12] Курбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. //Самарқанд, Servis. llmiy-ommobop jurnal, 2009 йил, I-сон, 56-б

ижтимоий-маданий соҳадаги хизматларнинг кўпчилигига истеъмолчилар томонидан бевосита хақ тўланмайди, яъни бепул хизмат кўрсатилади.

Демак, бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, хозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасидан олинган мехнат натижалари асосида товар шаклининг ўзига хос хусусиятлари ва унда бозор муносабатлари элементларидан фойдаланиш масалалари ётади. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаси бир қатор ўзига хос умумий белгиларга эга бўлган алоҳида тармоқлар ва фаолият соҳаларининг ягона мажмуаси, деб хисобласак бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисмлари, албатта, ўзига хос ҳусусиятларга эга. Мисол учун, спорт, авваламбор, ўзининг саноқли ишлаб чиқариш таснифига эга. Унинг иқтисодий харакат қилиш механизмини қаттиқ тартибга солиш имкони йўқ. Аксинча, маданий оқартув муассасаларида тижорат хисоб-китоблари элементлари иқтисодий нормативлар режалаштиришнинг мақсадли-дастурли усулларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, айнан хизмат кўрсатиш сохаси жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари даражасида, балки маънавий ва маърифий холатини инобатга олган холда эгаллади, десак хато бўлмайди. Хизмат кўрсатиш кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсон кундалик фаолиятида узлуксиз тараққиётни таъминлаш, уни такомиллаштириш борасида доимий харакатда, ундан ва шу асосда барча эхтиёжларни қондиришга эришиш максадида фойдаланиб келинган. Хизматни фалсафий категория сифатида қараб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса харакат деб билиб, оддий эмас, балки инсоният жамияти ривожланишига, равнақ топишига қаратилган харакат деб, билиш лозим.

## 1.2. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хуқуқий асослари

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишига мустақилликнинг дастлабки йилларидано қ асосий давлат сиёсати

даражасида қаралди. Мамлакатимизда хизматлар бозори хизматларнинг янги истиқболли турлари – туризм, банк–молия, суғурта, ахборот–коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошириш, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тобора кўпайишига имкон яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг мазкур йўналишга таалуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди. Мамлакатимизда туризм соҳасига ҳукумат даражасида эътибор берилиб, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ҳам туризм тўғрисида кўрсатувлар берилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари 2012 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган нутқларида “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш[13]” деб бу соҳага ўз эътиборларини қаратганлигини кўришимиз мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда қабул қилинган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ушбу соҳани янада ривожланишига туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор

---

[13] Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2012 йил 21 январ.

йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб “2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда”[14] деб таъкидладилар.

Хозирги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ва бу соҳада қўшимча иш ўринларини ташкил этиш учун шароитлар яратилаётганлига гувоҳ бўлишмиз мумкин. Қуйидаги 1.2.1-жадвалда аҳолига кўрсатилган юқори кўламли хизматларнинг мамлакатимиз минтақалари бўйича ривожланиш даражасини кўришимиз мумкин.

Хозирги кунда мамлакатимизда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратиб “Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

[14] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

1.2.1- жадвал

2008-2012 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича хизматлар ривожланиши ҳолати ( солиштирма нархларда)

| № | Минтақалар номи | Хизматлар ҳажми ўсиши | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2008 йил | | 2009 йил | | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | |
| | | режа | амалда | режа | амалда | режа | амалда | режа | амалда | режа | амалда |
| | Ўзбекистон Республикаси | 118 | 121,3 | 118,9 | 116,7 | 121,8 | 114,9 | 115,0 | 113,2 | 114,9 | 114,2 |
| Шу жумладан: | | | | | | | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 118,5 | 123 | 118,7 | 116,2 | 119 | 116,4 | 114,1 | 117,4 | 115,5 | 106,7 |
| 2 | Андижон вилояти | 117 | 123,5 | 117,2 | 120,1 | 118 | 116,6 | 114,3 | 116,2 | 116,8 | 116,3 |
| 3 | Бухоро вилояти | 118 | 123,5 | 118,2 | 121,2 | 119 | 118,4 | 117,2 | 116,5 | 116,5 | 116,8 |
| 4 | Жиззах вилояти | 119,7 | 120,2 | 122 | 114,8 | 125 | 119,6 | 113,3 | 118,8 | 116,5 | 118,6 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 117,7 | 117,7 | 118,2 | 117,1 | 121,6 | 115,1 | 116,7 | 118,0 | 117,0 | 118,5 |
| 6 | Навоий вилояти | 120,6 | 124,6 | 121,2 | 120,6 | 125 | 116,4 | 111,4 | 116,8 | 115,0 | 111,9 |
| 7 | Наманган вилояти | 119,4 | 120,6 | 122,1 | 122,8 | 125 | 121,6 | 114,2 | 119,4 | 116,0 | 117,3 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 117 | 135,6 | 117,2 | 121,6 | 120 | 121,6 | 115,5 | 117,3 | 117,4 | 117,6 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 122 | 120,7 | 122,1 | 120 | 124 | 116,4 | 114,2 | 120,4 | 116,5 | 117,3 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 116,2 | 126,6 | 116,7 | 124,3 | 120 | 117,2 | 115,1 | 124,4 | 117,0 | 112,3 |
| 11 | Тошкент вилояти | 122,2 | 132 | 122,5 | 123,7 | 125 | 119,6 | 114,4 | 114,2 | 116,5 | 112,2 |
| 12 | Фарғона вилояти | 120 | 125,6 | 120,1 | 124,5 | 122,5 | 120,5 | 113,6 | 116,5 | 116,0 | 117,5 |
| 13 | Хоразм вилояти | 120 | 121 | 120,1 | 118,9 | 122 | 115,8 | 115,9 | 119,1 | 115,9 | 116,8 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 114,5 | 124,3 | 116,2 | 116,6 | 121 | 115,4 | 117,4 | 117,2 | 117,0 | 114,8 |

Жадвал муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида тузилган

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди”[15] деб таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, Президентимиз маърузасида, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери

[15] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлиги белгилаб “Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмаслик даркор”[16] деб кўрсатиб ўтдилар.

Таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда асосий масалалардан бири бўлиб келди. Шунингдек, Президентимиз ўз маърузаларида, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилганлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланишига кенг имкониятлар яратди.

Қайд этиш лозимки, ушбу қарорга асосан мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан, 2011 йилда 52 фоиздан, 2014 йилда 54 фоиздан зиёдга ўсди.

Хизматларнинг ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

---

[16] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш хозирги кундаги долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

2012 йилда қабул қилинган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури” ўз ичига қуйидагиларни олган:

2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари;

2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари;

2012-2016 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган янги хизмат турларини ривожлантиришнинг прогноз параметрлари белгиланган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури мақсадли параметрларининг белгиланган муддатларда сифатли ҳамда тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда қуйидагиларни ишлаб чиқди:

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини шаҳарлар, туманлар ва хизмат турлари бўйича ривожлантиришнинг худудий дастурлари;

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда эса қуйидагиларга алоҳида аҳамият берилган:

- хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли талабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдиришга;

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш.

Ушбу дастурга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича “Микрокредитбанк” ОАТБ маблағлари ҳисобидан 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтириладиган имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Ушбу кредит ресурслари асосан қуйидагиларга йўналтириши режалаштирилган:

- ажратиладиган имтиёзли кредит ресурслари хизмат кўрсатиш соҳасининг янги объектларини барпо этишга, шунингдек хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган амалдаги тадбиркорлик субъектларини техник ва технологик жиҳозлашга (қайта жиҳозлашга) мақсадли тарзда йўналтирилади;

- имтиёзли кредит ресурсларини олиш учун устувор ҳуқуқ қишлоқ жойларда хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига берилади.

## 1.3. Ўзбекистонда намунавий турар жойлар қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожланиши

Аҳолига юқори кўламли хизматлар кўрсатиш ва инсонларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини кўтариш мақсадида 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниб, мамлакатимиз қишлоқларини тубдан яхшилаш, уй-жойларни замонавий қиёфага ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини янги даражага кўтаришга қаратилган алоҳида Давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга эътибор қаратиб, “Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди”[17] деб таъкидладилар Президентимиз И.А.Каримов.

---

[17] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

Президентимиз томонидан маърузада 2015-йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши зарурлигини таъкидланди ҳамда соҳини ривожлантириш ушбу йилдаги устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди.

Қабул қилинган Давлат дастури асосан қуйидагиларга йўналтирилган:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш;

- мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш ва бошқалар.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1083 сонли қарори билан “Қишлоқ қурилиш банк” ташкил этилди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарори;

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон қарори;

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарори;

“Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ -1167-сон қарори;

“Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори;

“Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280 -сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини кўп марталик транш бўйича молиялаштириш дастурини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1683-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги ПҚ-1687-сонли “2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 октябрдаги 291-сонли “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қурилиши бўйича дастурни тайёрлаш чоралари” тўғрисидаги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида” ПҚ-1902 қарори.

Мамлакатимиздаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш бўйича ягона буюртмачи ташкилот ҳисобланади.

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ эса қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатидан режалаштиришни ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, шу асосда қишлоқ қиёфасини қатъиян ўзгартириш мақсадида ташкил қилинган корхона ҳисобланади.

Ўзбекистонда намунавий уй-жой қурилишини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаси “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй -жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий - иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий - демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Намунавий уй-жой қурилиши фуқароларга кредит бериш йўли билан истеъмолчиларга сотилади ва фуқароларга кредит ажратиш шартлари қуйидагича:

Мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган кредитга лаёқатли қишлоқ фуқароларига намунавий лойиҳа бўйича уй - жой қийматининг 25% дан кам бўлмаган миқдорда бошланғич бадалини тўплаганларидан сўнг, энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача (шунингдек, уй-жой смета қийматининг 75 фоизигача) имтиёзли фоиз ставкаси билан асосий қарзни қайтариш бўйича бир йил муддатга имтиёзли давр билан 15 йил муддатгача кредит ажратилади.

Аҳоли томонидан кредит олиш эса қуйидагича белгиланган:

1. ҚҚИ ИКнинг тегишли филиалига мурожаат қилиб, намунавий лойиҳани танлайди ва дастлабки шартнома тузади.

2. Лойиҳа қийматининг камида 25% миқдоридаги маблағни омонатга қўйиб, кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни банкка тақдим қилади.

3. Банк томонидан дастлабки бадал қўйилганлиги ва кредит ажратишга ижобий хулоса берилгандан сўнг ҚҚИ ИК худудий филиали билан уй-жой қурилиши учун асосий шартнома имзоланади.

4. ҚҚИ ИК билан тузилган шартнома асосида қурилиш босқичма босқич молиялаштирилади. Бунда аввал 25 фоиз аванс тўловлари, улар молиялаштирилгандан сўнг кредит, сўнгра якуний тўлов суммалари йўналтирилади.

5. Объект давлат қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилинади ва уй -жой эгасига топширилади.

2009 - 2012 йилларда 580 та янги қишлоқ массивларида 23 557 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилди.

2009 - 2012 йилларда қурилиш объектларининг умумий қиймати 1962,1 млрд.сўмни, шу жумладан, имтиёзли кредитлар 1186,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хозирги кунда шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги долзарб масалалардан бир бўлиб қолмоқда.

2012 йил маълумотларига кўра ичимлик сув таъминоти тизимининг ҳолати қуйидаги кўринишга эга:

1. Республикамизда марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти 119 шаҳар (100 фоиз) ва 12 262 қишлоқ аҳоли пунктларидан 9 060 тасида (73,1 фоиз) мавжуд.

2. Ўрта ҳисобда суткасига 6,25 млн. куб. м, шу жумладан очиқ хавзалардан 2,4 млн. куб. м (38 фоиз) ва ер ости сув манбаларидан 3,85 млн. куб. м (62 фоиз) сув олинади.

3. Ичимлик сув қувурлари ва тармоқларининг умумий узунлиги 62,9 минг. км.

4. Марказлаштирилган ичимлик суви билан 89,4 фоиз шаҳар ва туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари 73,1 фоиз таъминланган.

1.3.1-жадвал

Марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти қамрови
(статистика маълумотларига кўра)

| Худудлар | 1991 йил | 2001 йил | | | 2012 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | жами | жами | Шу жумладан | | жами | Шу жумладан | |
| | | | шахар | Қишлоқ ахоли пунктлари | | шахар | Қишлоқ ахоли пунктлари |
| Республика бўйича | 69,2 | 80,4 | 87,2 | 72,3 | 82,6 | 89,4 | 73,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 59,4 | 61,6 | 77,1 | 62,3 | 68,8 | 72,0 | 65,0 |
| Андижон вилояти | 69,3 | 87,7 | 84,9 | 83,9 | 89,8 | 93,5 | 85,5 |
| Бухоро вилояти | 43,8 | 68,0 | 88,4 | 43,8 | 59,3 | 82,3 | 46,3 |
| Жиззах вилояти | 50,7 | 76,9 | 86,7 | 72,3 | 71,2 | 73,9 | 69,1 |
| Қашқадарё вилояти | 27,3 | 75,0 | 79,3 | 69,2 | 82,1 | 87,0 | 76,9 |
| Навоий вилояти | 49,7 | 66,6 | 88,2 | 64,2 | 79,3 | 73,8 | 94,4 |
| Наманган вилояти | 50,6 | 75,0 | 96,6 | 77,5 | 75,9 | 88,4 | 59,9 |
| Самарқанд вилояти | 70,9 | 78,5 | 87,4 | 73,9 | 84,6 | 92,5 | 78,0 |
| Сурхондарё вилояти | 67,5 | 76,1 | 71,1 | 75,0 | 81,3 | 79,4 | 82,5 |
| Сирдарё вилояти | 42,8 | 93,8 | 64,8 | 47,1 | 80,5 | 80,1 | 80,9 |
| Тошкент вилояти | 67,9 | 91,5 | 84,6 | 81,2 | 81,2 | 85,9 | 73,3 |
| Фарғона вилояти | 53,8 | 89,3 | 89,0 | 83,1 | 92,5 | 96,3 | 87,0 |
| Хоразм вилояти | 57,2 | 65,0 | 92,5 | 67,7 | 63,6 | 81,8 | 52,2 |
| Тошкент шахри | 97,8 | 99,3 | 99,3 | - | 99,7 | 99,7 | - |

Жадвал муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида тузилган

Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 30 ноябрдаги 337 - сон қарорига асосан 2013 - 2015 йилларда республикада ичимлик сув ва канализация тизимларини янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича комплекс чора – тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- 2020 йилгача республиканинг барча шаҳарларидаги аҳолининг марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 100 фоизгача ва қишлоқ аҳоли пунктларида 85 - 90 фоизгача кўтариш, канализация хизматлари билан таъминланган шаҳарлар ва шаҳар типидаги аҳоли пунктларидаги қамров даражасини 70 фоизгача кўтариш;

- янги технологиялар асосида ичимлик сув ва оқова сувларни тозалашни жорий этиш, узоқ муддат хизмат қиладиган қувурлар ва ускуналарни қўллаган холда тармоқларни реконструкция қилиш ва қуриш;

- сув таъминоти объектларидан фойдаланиш тизимларини тубдан яхшилаш, норматив йўқотишлар, электро - энергия сарфини камайтиришга йўналтирилган янги технологияларни жорий этиш ҳамда замонавий машина - механизмлар, асбоб - ускуналар билан жихозланганлик даражасини ошириш;

- ичимлик сув ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида доимий равишда, шу жумладан халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган холда молиялаштириш.

Хозирги кунда мамлакатимиз аҳолисига юқори кўламли хизматлар кўрсатилиши натижасида инсонларимизнинг турмуши сифати яхшиланиб бормоқда. Айниқса ёқилги-энергетика ресурсларинининг хукуматимиз томонидан аҳолига етказиб берилиши ва улардан кенг фойдаланилиши мамлакатимиз аҳолисининг фаровон турмуш кечиришига ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июндаги "Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида"ги 220 - сон қарори билан Республикамизда нефт маҳсулотлари ва газдан самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида “Ўздавнефтгазинспекция” ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3358 - сон Фармонига асосан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 328 - сон қарорига мувофиқ "Ўздавнефтгазинспекция"нинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

- нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун
ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш;

- нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

- нефть маҳулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

“Ўздавнефтгазинспекция” тизимида 14 та ҳудудий бўлим мавжуд ва штат жадвалига асосан инспекция ходимлари 209 тани ташкил этади, шу жумладан 6 та бошқарув ходимлари, 155 та инженер техник ходимлар ва 48 та техник ҳамда ёрдамчи ходимлардан иборат.

“Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги объектлар қуйидагилар ҳисобланади:

- 15,7 км магистрал газ қувурлари, 25 та компрессор станциялар, 3 та ер ости газ сақлаш омборлари, 321 та газ тақсимлаш станциялари;

- 2039 та ишлатилаётган нефть, газ ва газоконденсат қудуқлари,

- 5 та нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари;

- 126,7 минг км газ тақсимлаш тармоқлари (шу жумладан: юқори босимли – 13,6 минг.км, ўрта босимли – 29,96 минг км, паст босимли – 83,1 минг км), 94,4 минг газ тақсимлаш ва созлаш шохобчалари ГТШ (шу жумладан: юқори босимли – 7,5 мингта, ўрта босимли – 86,9 мингта), 83452 улгуржи газ истеъмолчилари (шу жумладан 5205 саноат корхоналари, 53766 маиший хизмат объектлари ва 24481 та хусусий тадбиркорлар),

- 39 та нефтебаза (улардан 16 таси хусусий), 42 та нефтебаза филиаллари, 2578 та АЁҚШ, 1368 та ФЁТШлари, 236 та мой алмаштириш шохобчалари, 88,4 минг нефть махсулоти истеъмолчилари;

- 717 та автомобилларга газ қуйиш шохобчалари;

- 184 та автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор шохобчалари олинган.

1.3.1-жадвал

Республика бўйича истеъмолчилар сони ва газ қувурлари тўғрисида маълумотлар (2012 йил маълумотларига кўра)

| Номи | Сони |
|---|---|
| Республика бўйича жами газлашган улгуржи истеъмолчилар | 83452 та |
| шу жумладан: | |
| саноат корхоналари | 5205 та |
| маиший хизмат ва ижтимоий объектлари | 53766 та |
| хусусий тадбиркорлар | 24481 та |
| Жами газлаштирилган хонадонлар | 4 млн. 465 минг та |
| Шу жумладан: | |
| якка тартибдаги хонадонлар сони | 3 млн. 433 минг та |
| кўп қаватли ҳонадонлар сони | 1 млн. 031 минг та |
| Республика бўйича газ қувурларининг узунлиги<br>Юқори босимли | 126,7 минг км<br>13,6 минг км |
| ўрта босимли | 29,96 минг км |
| паст босимли | 83,1 минг км |
| Республика бўйича газ тақсимлаш ва созлаш шахобчалари | 94,4 минг дона |
| юқори босимли | 7,5 минг дона |
| ўрта босимли | 86,9 минг дона |

Республика истеъмолчилари томонидан 2012 йил давомида жами 36 млрд. 815 млн. м$^3$ хажмида табиий газ етказиб берилган.

Миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантириш мақсадида 1997 йил 25 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Қонунда миллий энергетика ресурслари сақланиши, уларни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш, самарали технологияларни жорий этилиши, энергиядан нооқилона фойдаланганлик учун юридик шахсларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланилиши белгиланган.

1.3.2-жадвал

2012 йил давомида Республика истеъмолчиларига етказиб берилган табиий газ хажмлари тўғрисида маълумот

| Номи | хажми |
|---|---|
| "Ўзбекэнерго" компанияси корхоналарига | 14178,2 млн. м3 (38,5 %) |
| "Ўзкимёсаноат" компанияси корхоналарига | 2272,2 млн. м3 (6,2 %) |
| "Ўзқурилишматериаллари" АК корхоналарига | 783,8 млн. м3 (2,1 %) |
| Навоий ТМКга | 130,5 млн. м3 (0,4 %) |
| Олмалиқ ТМКга | 291,1 млн. м3 (0,8 %) |
| "Ўзметкомбинат" бирлашмасига | 87,0 млн. м3 (0,2 %) |
| "АГТКШ" бирлашмасига | 1127,0 млн. м3 (3,1 %) |
| Бошқа истеъмолчиларга | 5306,0 млн. м3 (14,4 %) |
| Республика аҳолиси эхтиёжларига | 12639,6 млн.м3 (34,3%) |

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, нефть маҳсулотлари, газ, электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг, ноқонуний сотиш (бериш)нинг, ўзлаштириб олишнинг ва уларнинг сифати бузилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 9 мартда 124-сонли "Ёқилғи-энергетика

ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида”ги қарор қабул қиланган.

Мамлакатимиз нефть, газ захираларига бой. Буни барчамиз биламиз. Аммо ушбу захираларнинг ҳам чеки-чегараси бор. Қолаверса, келажак авлод ҳам улардан баҳраманд бўлиши керак. Газ конларини қидириш, қазиб олиш, истеъмолчиларга етказиб бериш катта маблағ сарф эвазига, қийин шароитлардаги бетиним, фидокорона меҳнат эвазига бўлаётганлигини такидлаш жоиз.

Табиий газ кимё саноатида ҳар турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қиммат баҳо ҳом ашё бўлиб фойдаланилади. Бу борада республикада қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. “Навои азот”, “Фарғона азот”, “Максам-Чирчиқ” корхоналарида минерал ўғит, нитрон тола ва бошқа юздан ортиқ турдаги иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шўртангазкимё комплексида ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган полителен гранулалари, пластмасса қувурлар ва бошқа турдаги пластмасса маҳсулотлари табиий газдан олинмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз аҳолисининг яшаш шароити яхшиланганлиги, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантирилиши ҳамда ободонлаштирилиши, зарур инфратузилманинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатимизнинг кўп қаватли уйларида истиқомат қиладиган аҳолининг иссиқлик таъминоти, электр-энергия ҳамда газ таъминотига катта эътибор қаратилмоқда.

Республика ҳудудларидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш кўрсаткичларига назар ташласак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин:

1.3.3.-жадвал

Республика ҳудудларидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш кўрсаткичлари

| Иссиқлик таъминоти бўйича | сони |
|---|---|
| Иссиқлик қозонхоналари сони | 1 876 та |
| Кўп қаватли уйлар сони | 26 543 та |
| Кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони | 1 032 955 та |
| Кўп қаватли уйларда яшовчилар сони | 2 859 436 та |
| Иссиқлик таъминоти мавжуд бўлмаган уйлар сони | 12 495 та |
| Иссиқлик таъминоти мавжуд бўлмаган хонадонлар сони | 341 541 та |
| Иссиқлик таъминоти мавжуд бўлмаган уйларда яшовчилар сони | 1 170 987 та |

Хозирги кунда Республика газ таъминоти техник кўрсаткичлари қуйидаги кўринишга эга:

1. Газ тақсимлаш станциялари (ГРС) сони – 345 та

2. Газ тақсимлаш қувурлари узунлиги – 121 580,3 км

Шу жумладан:

юқори босимли газ қувурлари узунлиги – 13 479,2 км

ўрта босимли газ қувурлари узунлиги – 29 044,8 км

паст босимли газ қувурлари узунлиги – 78 217,8 км

3. Жами ГРПлар сони – 94 764 дона

Шу жумладан:

юқори босимли ГРПлар сони – 7 482 дона

ўрта босимли ГРПлар сони – 85 282 дона

4. Жами газлаштирилган хонадонлар сони – 4 464 628 та

Шу жумладан:

табиий газ билан – 3 878 148 та

шундан кўп қаватли уйлар - 26 543 та (2 859 436 та аҳоли)

иссиқлик таъминоти мавжуд эмас - 12 495 та (1 170 987 та аҳоли)

табиий газ танқислиги кузатилган – 1 077 704 та

суюлтирилган газ билан газлаштирилган – 586 480 та

5. Жами улгуржи истеъмолчилар - 73 676 та ( ижтимоий соҳа объектлари 21 923 та)

6. Суюлтирилган газ етказиб бериш холати:

суюлтирилган газ тўлдириш шаҳобчалари сони (ГНС) – 24 та

газ тарқатиш сервис марказлари сони – 84 та

суюлтирилган газ сақлаш омборлари - 154 та

7. 2012 йилда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари:

табиий газ етказиб бериш амалда – 18 578 955 минг куб.м

100 фоиз таъминлаш учун талаб этилади - 20 877 539 минг куб.м

шундан 100 фоиз: ёз мавсумда талаб этилади - 4 302 539 минг куб.м

қиш мавсумда талаб этилади - 16 575 000 минг куб.м

шундан: аҳоли истеъмолчиларига амалда - 12 639 612 минг куб.м

100 фоиз таъминлаш учун талаб этилади - 14 877 539минг куб.м

Республикамиз аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш бўйича газ етиб бормайдиган худудларда аҳоли хонадонларига маиший газ баллонларида суюлтирилган газни етказиб бериш тизимини яхшилаш ҳамда янада такомиллаштириш лозим. Бизнинг фикримизча юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Республика бўйича табиий газ етиб бормайдиган худудлардаги аҳоли хонадонларини суюлтирилган газга мослаштириш учун худудий газ таъминоти корхоналарида суюлтирилган газ таъминоти бўлимларини ташкил этиш.

Худудий газ таъминоти корхоналаридаги суюлтирилган газ бўлимлари структурасига қўшимча суюлтирилган газ таъминоти билан шуғулланувчи штат бирликлари ажратиш. Бунда асосий эътибор шартномавий ишлар, заводлардан суюлтирилган газни юклаш, ГТСларида тушириб олиш, аҳолига етказиб бериш билан боғлиқ ишларини амалга оширадиган мутахассислар, ахоли хонадонларида ўрнитилган газ жихозларини таъмирлашда хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳисобидан тўлдириш назарда тутилади.

2. Суюлтирилган газни заводлардан газ тўлдириш станцияларига юклаш тизимини янада яхшилаш.

Ажратилган суюлтирилган газ хажмлари бўйича заводлар, темир йўл ва газ тўлдириш станциялари билан шартномалар тузиш.

Шартномаларга асосан суюлтирилган газни заводлардан газ тўлдириш станциялари ва пунктларига юклаш ҳамда келган суюлтирилган газни сиғимларга қабул қилиш, кунлик ҳисоб-китобини юритиш.

3. “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи”да ишлаб чиқариладиган суюлтирилган газ хажмларини Фарғона водийси вилоятларига ажратиш.

Фарғона водийси вилоятлари аҳолисига ажратилган суюлтирилган газ хажмларини Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали темир йўлда газ тўлдириш станцияларига етказилишини ташкил этиш.

Республика аҳолисига суюлтирилган газни бехатар ва ўз вақтида етказилишини таъминлаш учун худудлардаги газ тўлдириш станцияларига суюлтирилган газ хажмларини темир йўлда ташишни ташкил этиш учун қўшимча 100 та вагон-цистерналар сотиб олиш.

4. Истеъмолчиларга узлуксиз суюлтирилган газ етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш.

Тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан республикадаги мавжуд газ тўлдириш станциялари ва пункларининг ҳозирги кундаги лойиҳа хужжатларига кўра амалда ишлаётган қувватлари, суюлтирилган газни қабул қилиш, сақлаш, газ баллонларига тўлдириш жараёнларидаги технологик талабларга жавоб бериши ҳамда олди-сотди шартномаларда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини ўрганиш.

Бунда газ тўлдириш станциялари ва пунктларининг ишини янада такомиллаштириш ва зарурияти бўлган ҳудудларга янги замонавий газ тўлдириш пунктлари қуришни назарда тутиш.

Шунингдек, аҳолининг газга бўлган талабини қондириш мақсадида:

- газ тўлдириш станциялари ва пунктлари, қуриладиган ва таъмирланадиган сервис марказлари ва омборлар хизматлари тизимини

янада такомиллаштириш ҳамда аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ жиҳозларини ўрнатиш эскизини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

- аҳоли хонадонлари билан шартномалар тузиш, аҳолига етказиб бериладиган суюлтирилган газ ҳисобини юритиш, компьютер базасига киритиш, йиллик суюлтирилган газ, маиший газ баллонлари, газ баллонларини хонадонларга ўрнатишда керак бўладиган асбоб-ускуна, жиҳозлар эҳтиёжини тайёрлаш;

- худудларда газ жиҳозлари ва маиший газ баллонларини таъмирлаш ҳамда синовдан ўтказиш цехларини ташкил этиш;

- худудий газ таъминоти тизимидаги суюлтирилган газ бўйича мутахассислар малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

## I-боб бўйича хулоса

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш хозирги кундаги долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

- хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли талабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдиришга;

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар

аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш.

- ажратиладиган имтиёзли кредит ресурслари хизмат кўрсатиш соҳасининг янги объектларини барпо этишга, шунингдек хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган амалдаги тадбиркорлик субъектларини техник ва технологик жиҳозлашга (қайта жиҳозлашга) мақсадли тарзда йўналтириш;

- имтиёзли кредит ресурсларини олиш учун устувор ҳуқуқ қишлоқ жойларда хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига бериш.

Республикамизда ичимлик суви ва канализация тизимларини янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилишдаги устувор йўналишлар:

- 2020 йилгача республиканинг барча шаҳарларидаги аҳолининг марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 100 фоизгача ва қишлоқ аҳоли пунктларида 85-90 фоизгача кўтариш, канализация хизматлари билан таъминланган шаҳарлар ва шаҳар типидаги аҳоли пунктларидаги қамров даражасини 70 фоизгача кўтариш;

- янги технологиялар асосида ичимлик сув ва оқова сувларни тозалашни жорий этиш, узоқ муддат хизмат қиладиган қувурлар ва ускуналарни қўллаган холда тармоқларни реконструкция қилиш ва қуриш;

- сув таъминоти объектларидан фойдаланиш тизимларини тубдан яхшилаш, норматив йўқотишлар, электро - энергия сарфини камайтиришга йўналтирилган янги технологияларни жорий этиш ҳамда замонавий машина механизмлар, асбоб-ускуналар билан жихозланганлик даражасини ошириш;

- ичимлик сув ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида доимий равишда, шу жумладан халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган холда молиялаштириш.

Республикамиз аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш бўйича газ етиб бормайдиган худудларда аҳоли хонадонларига маиший газ баллонларида суюлтирилган газни етказиб бериш тизимини яхшилаш ҳамда янада такомиллаштириш лозим

Шунингдек, аҳолининг газга бўлган талабини қондириш мақсадида: газ тўлдириш станциялари ва пунктлари, қуриладиган ва таъмирланадиган сервис марказлари ва омборлар хизматлари тизимини такомиллаштириш, аҳолига етказиб бериладиган суюлтирилган газ ҳисобини юритиш, компьютер базасига киритиш, йиллик суюлтирилган газ, маиший газ баллонлари, газ баллонларини хонадонларга ўрнатишда керак бўладиган асбоб-ускуна, жиҳозлар эҳтиёжини тайёрлаш, худудларда газ жиҳозлари ва маиший газ баллонларини таъмирлаш ҳамда синовдан ўтказиш цехларини ташкил этиш.

# II-БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

## 2.1. Наманган вилояти уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар тахлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги ”Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида 2005 йил 15 февралда вилоят ҳокимининг 40-сонли қарори қабул қилиниб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вилоятда жами 1116 та кўп қаватли уйлар мавжуд шундан, 1012 та уйлар ва ундаги 32355 та хонадонлар 273 та хусусий уй жой мулкдорлари (ХУЖМШ) ширкатлари фаолият олиб бормоқда. ХУЖМШларнинг бошқарувидаги кўп қаватли уй-жойларининг сонини мақбуллаштирилиши натижасида вилоят бўйича 1 та ширкатга ўртача 4 тадан тўғри келмоқда.

Вилоятда 52 та авария-диспетчерлик хизматларини амалга оширувчи (АДС) фаолият кўрсатмоқда. Улар билан жами 244 та шартнома тузган. Вилоятда 13 та хусусий мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи хусусий бошқарув компаниялари билан 180 та ширкатлар шартнома имзолаганлар.

2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумида жами 675 та кўп-қаватли турар жойларда жорий таъмирлаш ишлари амалга ошириш режалаштирилиб, йил якуни билан белгиланган режа 100,0 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги “2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури ва 2016 йил учун асосий қурилиш параметрлари” тўғрисидаги ПҚ-2282 сонли қарорига мувофиқ 2015 йилда 23

янги массивлар барпо этилиб, уларда умумий майдони 79,1 минг кв.метрни ташкил этадиган 848 та замонавий уйлар қурилиши кўзда тутилган. Мазкур уйларда истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатадиган 7 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари яратилади.

Шунингдек, ташқи муҳандислик ва инфратузилма объектларидан, 19,6 км ичимлик суви, 19,3 км электр ва 20,1 км газ тармоқлари ҳамда 17,3 км ички йўллар қурилиши белгиланган.

Вилоятда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг дебитор қарздорлигини ўсиб кетмаслигини олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар ва туманлардаги ҳар бир МФЙлар ҳудудида коммунал тўловларни қабул қилиш билан шуғулланувчи махсус штаблар фаолият олиб бормоқдалар. Штабларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва банкдан масъуллар бириктирилиб, тўлов терминаллари билан жиҳозланган.

Бунинг натижасида, аҳолига етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун маблағ ундириш банк кассалари орқали айланишига эришилмоқда.

2014 йил январ-декабр ойларида барча турдаги истеъмолчиларга 445,9 млрд.сўм, шундан аҳолига 210,0 млрд.сўм хизмат кўрсатилиб, жами 425,3 млрд.сўм, аҳолидан эса 156,1 млрд.сўм ёки мос равишда хизматга нисбатан 95,4 фоизга ва аҳолидан эса 74,3 фоизга маблағ ундирилди.

Жумладан, декабр ойида жами 41,5 млрд.сўм (аҳоли 25,8 млрд.сўмлик) шундан электр энергияси 20,2 млрд.сўм (9,2 млрд.сўм), табиий газ таъминоти 17,7 млрд.сўмлик (15,4 млрд.сўм), ичимлик сув таъминотидан 2,3 млрд.сўм (1,1 млрд.сўм) ва иссиклик энергияси учун 155,5 млн.сўмлик (80,4 млн.сўм) хизмат кўрсатилиб, хизматлар учун жами 84,1 млрд.сўм (аҳоли 22,8 млрд.сўм) шундан, электр энергиясига 66,1 млрд.сўм (9,4 млрд.сўм), табиий газ 13,6 млрд.сўм (10,8 млрд.сўм), ичимлик сувига 4,2 млрд.сўм (2,5 млрд.сўм) ва иссиклик таъминотидан 155,8 млн.сўм (80,5 млн.сўм) маблағлар

ундирилди ёки мос равишда хизматга нисбатан жами 2,0 маротаба (88,4 фоиз) маблағлар ундирилди.

Шунингдек, етказиб берилган электр энергиясидан қарздорлик йил бошига нисбатан 20,3 млрд.сўмга камайтирилишига эришилган.

Бироқ, йил бошига нисбатан дебитор қарздорликни жами 16,3 млрд.сўмга, жумладан, табиий газ бўйича 35,6 млрд.сўмга ва ичимлик суви бўйича 902,6 млн.сўмга қарздорликни ўсишга йўл қўйилди.

2014 йил январ-декабр ойларида 1031-тартиб асосида жами 35,1 млрд.сўм шундан фойдаланилган электр энергияси учун корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимлардан 25,8 млрд. сўм ва етказиб берилган табиий газ учун эса 9,3 млрд.сўм маблағ ундирилган.

Шунингдек, қоида бузарларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилиб, 2014 йил мобайнида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган 1336 та улгуржи истеъмолчиларга белгиланган тартибда далолатномалар асосида 33,5 млрд.сўмлик электр энергияси қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Хўжалик судига киритилди. Шундан суд томонидан қаноатлантирилган даъволар сони 1278 та ёки 33,1 млрд.сўмни ташкил этди.

Аҳоли истеъмолчиларнинг 2014 йил давомида 41474 та истеъмолчилар 21036,3 млн.сўм муддати ўтган қарзи учун белгиланган тартибда тармоқдан ўчирилиб, шундан 6459 та истеъмолчилар томонидан 1743,3 млн.сўм миқдорида ихтиёрий равишда тўлов амалга оширилган.

Табиий газ таъминотида аҳоли истеъмолчиларининг дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида 2014 йил январ-декабр ойларида 19435 та истеъмолчиларнинг 21900,3 млн.сўм қарздорликлари учун фуқаролик судларига ҳужжатлари топширилди. Фуқаролик судлари томонидан 18936 та истеъмолчиларнинг 21410,0 млн.сўмлик йирик қарздорлиги учун суд қарорлари чиқарилди. Шундан 4093 истеъмолчилардан 3983,8 млн.сўм қарздорликлари ундирилди.

2.1.1 -жадвал

Наманган вилоятида уй-жой қурилиши, газ ва сув тармоқларини ишга тушириш

| № | Шаҳар ва туманлар номи | 2014 йил якунида йилликда уй-жой қурилиши, газ ва сув тармоқларини ишга тушириш бўйича режаларнинг бажарилиши | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Уй-жой, минг.кв.м. | | йиллик прогнозга нисбатан, %да | ш.ж., якка тартибдақурилган уй-жойлар, минг.кв.м | | йиллик прогнозга нисбатан, %да | Ичимлик суви кувурлари, км | | йиллик прогнозга нисбатан, %да | Табиий газ қувурлари, км | | йиллик прогнозга нисбатан, %да |
| | | йиллик прогноз | ҳақиқатда | | йиллик прогноз | ҳақиқатда | | йиллик прогноз | ҳақиқатда | | йиллик прогноз | Ҳақиқатда | |
| **Вилоят бўйича** | | **834,4** | **1025,0** | **122,8** | **793,4** | **917,8** | **115,7** | **171,0** | **209,0** | **122,2** | **60,0** | **75,2** | **125,3** |
| 1 | Наманган ш. | 41,0 | 43,0 | 104,9 | 38,7 | 43,0 | 111,1 | 11,9 | 11,9 | 100,0 | 4,7 | 4,7 | 100,0 |
| 2 | Мингбулоқ | 52,6 | 71,3 | 135,6 | 50,1 | 66,6 | 132,9 | 11,8 | 3,4 | 28,8 | 2,1 | 3,9 | 185,7 |
| 3 | Косонсой | 70,9 | 77,3 | 109,0 | 67,4 | 71,3 | 105,8 | 10,2 | 14,7 | 143,8 | 7,4 | 10,9 | 147,3 |
| 4 | Наманган | 73,4 | 114,9 | 156,5 | 69,8 | 77,7 | 111,3 | 11,8 | 20,3 | 172,0 | 4,1 | 13,3 | 324,4 |
| 5 | Норин | 54,2 | 82,2 | 151,7 | 51,5 | 76,8 | 149,1 | 14,9 | 12,4 | 83,4 | 6,1 | 1,2 | 19,7 |
| 6 | Поп | 80,9 | 86,1 | 106,4 | 76,9 | 80,4 | 104,6 | 14,4 | 17,7 | 122,9 | 5,2 | 12,3 | 236,5 |
| 7 | Тўрақўрғон | 79,3 | 91,0 | 114,8 | 75,4 | 80,3 | 106,5 | 16,9 | 13,8 | 81,7 | 5,9 | 9,3 | 157,6 |
| 8 | Уйчи | 80,1 | 109,3 | 136,5 | 76,2 | 101,9 | 133,7 | 15,6 | 23,8 | 152,6 | 3,6 | 4,6 | 127,8 |
| 9 | Учқўрғон | 70,9 | 78,6 | 110,9 | 67,4 | 71,9 | 106,7 | 13,8 | 7,6 | 55,1 | 5,2 | 2,0 | 38,5 |
| 10 | Чортоқ | 70,1 | 91,6 | 130,7 | 66,7 | 84,6 | 126,8 | 18,3 | 34,8 | 190,2 | 4,6 | 1,6 | 34,8 |
| 11 | Чуст | 82,6 | 95,0 | 115,0 | 78,6 | 83,9 | 106,7 | 16,8 | 26,7 | 158,9 | 6,5 | 10,3 | 158,5 |
| 12 | Янгиқўрғон | 78,4 | 84,7 | 108,0 | 74,7 | 79,4 | 106,3 | 14,6 | 21,9 | 150,0 | 4,6 | 1,1 | 23,9 |

Вилоят “Сувоқава” корхонаси томонидан истеъмолчиларга кўрсатилган ичимлик ва оқава сув хизматларидан бўлган дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида 2014 йил 12 ой якуни билан 49 та улгуржи истеъмолчи 2,8 млрд.сўмга хўжалик судларига берилиб, 12 та истеъмолчилардан жами 2,8 млрд.сўм маблағлар ундирилди.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонлари бўйича жами 1453 та истеъмолчи 692,4 млн.сўмга фуқаролик судларига берилиб шундан, 883 та истеъмолчиларни 484,7 млн.сўмга ҳал қилувчи қарори чиқарилиб, ижро орқали 140 та истеъмолчилардан 18,0 млн.сўм маблағлар ундирилди.

Шунингдек, иссиқ сув ва иссиқлик таъминотини бўйича дебитор қарздорлиги юқори бўлган аҳоли хонадонлардан 1229 та (366,5 млн.сўмлик) фуқаролик судига даъво аризалар киритилиб, ижро департаменти томонидан 51,7 млн.сўм маблағлар ундирилди.

2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига 1,8 км газ тармоқлари, 5,3 км сув тармоқлари, 6,2 км иссиқлик тармоқлари, 771,4 км электр тармоқлари, 70 та болалар боғчалари, 5 та касалхоналар, 2 та қозонлар, 85 та кўп қаватли уйлар ва 369 та электр трансформатор пунктларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

2.1.2-жадвал

## Наманган вилоятида коммунал хизматлардан қарздорлик тўғрисида маълумот

| № | Шаҳар ва туманлар номи | **2014 йил якунида коммунал хизматлар дебитор қарздорлиги, млн.сўм** | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Газ таъминоти бўйича | шу жумладан: | | йил бошига нисбатан ўсиш/камайиш | Иссиқлик таъминоти бўйича | шу жумладан: | | йил бошига нисбатан ўсиш/камайиш | Электр таъминоти бўйича | шу жумладан: | | йил бошига нисбатан ўсиш/камайиш | Ичимлик суви ва канализация | шу жумладан: | | йил бошига нисбатан ўсиш/камайиш |
| | | | Аҳоли | Улгуржи | | | Аҳоли | Улгуржи | | | Аҳоли | Улгуржи | | | Аҳоли | Улгуржи | |
| Вилоят бўйича | | 272760,3 | 259002,8 | 13757,4 | 35620,8 | 1100,7 | 1038,2 | 62,5 | -2,1 | 148289,2 | 139129,9 | 9159,3 | -22711,3 | 19473,5 | 14287,6 | 5185,9 | 754,4 |
| 1 | Наманган ш. | 137260,9 | 124087,6 | 13173,3 | 21614,6 | 1101,0 | 1038,3 | 62,7 | -1,8 | 57500,8 | 52960,2 | 4540,6 | 6751,3 | 13821,8 | 9193,4 | 4628,4 | 737,4 |
| 2 | Мингбулоқ | 9813,7 | 9744,0 | 69,7 | 924,2 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 3842,3 | 3833,2 | 9,1 | -8383,0 | 161,2 | 133,4 | 27,7 | -22,1 |
| 3 | Косонсой | 16782,2 | 16604,2 | 178,0 | 2572,8 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 4475,6 | 4372,4 | 103,2 | -1220,2 | 479,3 | 400,2 | 79,1 | 10,9 |
| 4 | Наманган | 25002,4 | 24986,3 | 16,1 | 1677,8 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 14247,1 | 14140,7 | 106,4 | -1572,9 | 1315,2 | 1278,1 | 37,1 | 59,3 |
| 5 | Норин | 6034,6 | 6034,6 | 0,0 | 795,3 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 13178,0 | 12457,2 | 720,8 | 1032,5 | 128,6 | 112,9 | 15,7 | -0,6 |
| 6 | Поп | 14546,0 | 14461,5 | 84,6 | 1860,9 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 10639,9 | 9541,9 | 1098,0 | -15157,1 | 659,2 | 656,2 | 3,0 | 69,2 |
| 7 | Тўрақўрғон | 16982,4 | 16933,5 | 48,9 | 1929,6 | -0,1 | 0,0 | -0,1 | -0,1 | 2616,5 | 2495,8 | 120,7 | -92,6 | 414,7 | 408,6 | 6,1 | 18,0 |
| 8 | Уйчи | 10615,8 | 10586,8 | 29,0 | 894,6 | -0,1 | 0,0 | -0,1 | -0,1 | 15127,5 | 14576,1 | 551,4 | -1253,3 | 772,9 | 731,2 | 41,6 | -86,9 |
| 9 | Учқўрғон | 10829,1 | 10773,7 | 55,3 | 1122,2 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 13315,1 | 12281,5 | 1033,6 | 2296,8 | 506,5 | 446,7 | 59,8 | 62,3 |
| 10 | Чортоқ | 1620,5 | 1593,6 | 26,9 | 498,4 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 1619,6 | 1386,3 | 233,3 | -3956,9 | 385,4 | 146,4 | 239,0 | -28,4 |
| 11 | Чуст | 16493,4 | 16418,3 | 75,1 | 1857,4 | -0,2 | -0,1 | -0,1 | -0,2 | 8652,4 | 8309,3 | 343,1 | -1001,4 | 740,5 | 691,7 | 48,8 | -43,0 |
| 12 | Янгиқўрғон | 6779,2 | 6778,7 | 0,5 | -127,0 | 0,1 | 0,0 | 0,1 | 0,1 | 3074,4 | 2775,3 | 299,1 | -154,5 | 88,4 | 88,8 | -0,5 | -21,6 |
| | Наманган ФЗИ | | | | | | | | | 35 118,6 | | 35 118,6 | 2 368,7 | | | | |
| | Худудий окава | | | | | | | | | | | | | 2 015,8 | 1 250,7 | 765,0 | 148,2 |

## 2.2 Наманган вилоятида коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлаш асослари

Мамлакатимизда ахоли моддий ва маданий турмуш савиясининг изчил яхшиланиб бораётганлиги республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан теъкидланганидек Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир[18].

Бундай изчил яхшиланишнинг ижтимоий мезонларидан бири шахарлар ва бошка ахоли пунктларини марказлашган иссиклик, сув, газ ва хоказолар билан таъминланиши хисобланади. Чунки, инсоннинг бўш вақти саломатлиги, кайфияти, мехнат фаоллиги яшаш шароитларидаги қулайликлар қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Албатта, уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиши билан ундан фойдаланиш фаолияти кенгайиб, инсон қобилиятларининг ортиши учун шароитлар яратилади.

Юкоридагилар боис, уй-жой коммунал хўжалиги тизими бошқарувининг такомиллашуви халқ фаровонлигини ошириш юзасидан муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа сифатида белгиланган. Бу вазифанинг самарали бажарилиши моддий неъматларни пировард истеъмолчиларга етказиш, яъни моддий неъматлар истеьмоли жараёнига хизмат кўрсатиш,

[18] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Т.: “Ўзбекистон”. 2015й.

ходимларнинг мехнат ва дам олиши окилона уйғунлашувини мустахкамлайди.

Мазкур тармоқ фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантирищда етакчи ролни моддий, мехнат ва молиявий ресурслар таъминотининг барқарорлиги белгилайди. Бинобарин, уй-жой коммунал хўжалиги тизимида узлуксиз хизмат кўрсатилиши баробарида хизматларнинг хар бир бирлиги сотилади ва харид қилинади. Уй-жой шароитини яхшилаш яшаш учун тобора қулайлаштириб, коммунал хизматлар учун тўловлар вақтида тўланишига эришиш чора тадбирларини кўриш билан бевосита боғлиқ. Хизмат кўрсатиш узлуксизлиги ва сифатини таъминлашнинг мухим шарти бўлган ишлаб чиқариш қувватларндан фойдаланиш самарадорлигини ошириш эса тармоқни модернизация қилиш жадаллаштирилишини талаб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётини модерназациялаш шароитида уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари учун тўловларни ташкил этиш ва бошқариш муаммоси, жумладан, газ, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари билан ташкилотлар, корхоналар ва ахоли ўртасидаги ўзаро муносабатларнинт бозор механизмини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Айниқса, йирик шахар уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг тўлов механизмларини такомиллаштириш зарур.

Маълумки, хусусий уй - жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ривожлантириш ва уй-жойларга хизмат кўрсатиш бозорини яратиш дастурига биноан тўловлар тўлиқлиги борасида тушунтириш ишлари олиб бориш кун тартибида асосий ўрин тутади[19].

Наманган вилоятида маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари

[19] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар-жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 64-сонли қарори.

тўғрисида”ги ПҚ-3-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида 2005 йил 15 февралда вилоят ҳокимининг 40-сонли қарори қабул қилиниб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вилоятда жами 1116 та кўп қаватли уйлар мавжуд шундан, 1012 таси уйлар ва ундаги 32355 та хонадонлар 273 та хусусий уй жой мулкдорлари (ХУЖМШ) ширкатлари фаолият олиб бормоқда. ХУЖМШларнинг бошқарувидаги кўп қаватли уй-жойларининг сонини мақбуллаштирилиши натижасида вилоят бўйича 1 та ширкатга ўртача 4 тадан тўғри келмоқда.

Вилоятда 52 та авария-диспетчерлик хизматларини амалга оширувчи (АДС) фаолият кўрсатмоқда. Улар билан жами 244 та шартнома тузган. Вилоятда 13 та хусусий мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи хусусий бошқарув компаниялари билан 180 та ширкатлар шартнома имзолаганлар. Бозор муносабатларини жадаллаштириш мақсадида бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ташкил этилганига қарамай, хизматлар учун коммунал тўловлар муаммоси ўз ечимини топмаяпти.

Муаммонинг илдизига қаралганда, бир томондан, давлат дотациясининг хар йиллик қисқариши энергия ресурслари, материал нархларининг ўсиши, иш хақининг ошиши, солиқлар тўлаш харажатларининг ортиши оқибатида уй-жой коммунал хизматлар таннархи ва тарифлар хам ошишига сабаб бўлди (2.2.l-жадвал).

2.2.1-жадвал

Комминал хизматлар бўйича ойлик тўлов тарифлари, сўм

| | Хизматлар турлари | 2013 й. | 2014 й. | 1.01.2015 й |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 кв. м. турар-жой майдонини учун иситиш | 833,6 | 925,3 | 1016,9 |
| 2 | Иссиқ сув таъминоти 1 кишига | 9739 | 9815 | 9906,7 |
| | Хисоблагич бўйича | 2462 | 2732,8 | 2810,6 |
| 3 | 1 кишига совуқ сув таъминоти | 4215,3 | 4379,4 | 4468,8 |
| | Хисоблагич бўйича | 375 | 420 | 420 |
| 4 | 1 киши учун газ таьминоти | 160,4 | 188,6 | 188,6 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5 | 1 кишига санитар тозалаш | 700 | 1000 | 1000 |
| 6 | 1 квт.соат электр энергияси | 112,2 | 144,3 | 144,3 |

Жадвал Наманган вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асссида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриб турганимиздек, 2015 йилда иситиш учун тарифлар 2013 йилдагига нисбатан 1,22 марта, иссиқ сув таъминоти учун 1,02 марта, совуқ сув таъминоти учун 1,06 марта, газ таъминоти учун 1,18 марта, санитария тозалаш учун 1,43 марта, электр энергияси учун 1,28 марта ошган, Шунингдек, 2013 йилдагига нисбатан, 2015 йил 1 январига келиб, 1 кв, м. турар-жой майдонини иситиш учун хақ 833,6 сўмдан 1016,9 сўмга, иссиқ сув таъминоти 1 киши учун 9739 сўмдан 9906,7 сўмга, 1 киши учун газ таъминоти 160,4 сўмдан 188,6 сўмга, 1 киши учун санитария жихатдан тозалаш 700 сўмдаи 1000 сўмга, 1 квт. соат электр эпергияси учун тўлов 112,2 сўмдан 144,3 сўмга ортган .

Тарифлар ўсиши билан тегишли равишда тўловлар миқдори хам оширилди. Тўлов миқдори ошиши билан кўрсатилган уй жой коммунал хизматлар учун ахолидан тўловлар тушуми камайиб, дебиторлик қарзлари ошиб борди.

2.2.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, тўлов тарифлари ошиши баробарида 2013-2015 йилларда Наманган вилояти коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар на бажарилган ишлар хажми хам ортиб борган.

Айни чоғда, мижозлар тўловлари ортиши билан бир қаторда дебиторлик қарздорлиги хам камаймаётгани маълум бўлади. Жумладан, 2010-2014 йиллар оралиғида дебитор қарздорлик хажми 94,6 фоизни, тўлов бўйича хисобланган сумма 214,5 фоизга, амалдаги тўловлар эса, 229,3 фоиздан иборат 6ўлган, яъни, мажозларнинг коммунал тўловлар бўйича қарз суммаси йил бошига келиб, 2010 йилда 75372,7 млн. сўмни, 2011 йилда 164988,5 млн, сўмни, 2012 йилда 242661,9 млн. сўмни, 2013 йилда 288290,5

млн. сўмни, 2014 йилда 272760,3 млн. сўмни  ташкил этган. Бу кўрсаткичлар мижозларнинг  2012-2013 йиллардаги қарздорлигида йиллик ўсиш 47 ва 18,8 фоиз бўлганлигидан далолат беради.

2.2.2-жадвал

Наманган вилоятида уй жой коммунал хизматлар учун тўловлар тахлили

| йил | Йил бошига қарз | Тўлов суммаси, млн. сўм. | | Олдинги йилга нисбатан йиллик ўсиш, фоиз | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | хисобланган | Амалдаги тушум | Йил бошига қарз | хисобланган | Амалдаги тушум |
| 2010 | 75372,7 | 157450 | 135468,5 | 100 | 100 | 100 |
| 2011 | 164988,5 | 210412,8 | 202286,6 | 218,9 | 133,6 | 149,3 |
| 2012 | 242661,9 | 283345,6 | 220536,3 | 147,0 | 134,6 | 109,2 |
| 2013 | 288290,5 | 335837,3 | 275633,4 | 118,8 | 118,5 | 124,9 |
| 2014 | 272760,3 | 337838,9 | 310664,2 | 94,6 | 100,5 | 112,7 |

Жадвал Наманган вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асссида муаллиф томонидан тузилган

Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг дебитор қарздорлигини ўсиб кетмаслигини олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар ва туманлардаги ҳар бир МФЙлар ҳудудида коммунал тўловларни қабул қилиш билан шуғулланувчи махсус штаблар фаолият олиб бормоқдалар. Штабларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва банкдан масъуллар бириктирилиб, тўлов терминаллари билан жиҳозланган.

Бунинг натижасида, аҳолига етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун маблағ ундириш банк кассалари орқали айланишига эришилмоқда.

2014 йил январ-декабр ойларида барча турдаги истеъмолчиларга 445,9 млрд.сўм, шундан аҳолига 210,0 млрд.сўм хизмат кўрсатилиб, жами 425,3 млрд.сўм, аҳолидан эса 156,1 млрд.сўм ёки мос равишда хизматга нисбатан 95,4 фоизга ва аҳолидан эса 74,3 фоизга маблағ ундирилди.

Жумладан, декабр ойида жами 41,5 млрд.сўм (аҳоли 25,8 млрд.сўмлик) шундан электр энергияси 20,2 млрд.сўм (9,2 млрд.сўм), табиий газ таъминоти 17,7 млрд.сўмлик (15,4 млрд.сўм), ичимлик сув таъминотидан 2,3 млрд.сўм (1,1 млрд.сўм) ва иссиклик энергияси учун 155,5 млн.сўмлик (80,4 млн.сўм) хизмат кўрсатилиб, хизматлар учун жами 84,1 млрд.сўм (аҳоли 22,8 млрд.сўм) шундан, электр энергиясига 66,1 млрд.сўм (9,4 млрд.сўм), табиий газ 13,6 млрд.сўм (10,8 млрд.сўм), ичимлик сувига 4,2 млрд.сўм (2,5 млрд.сўм) ва иссиклик таъминотидан 155,8 млн.сўм (80,5 млн.сўм) маблағлар ундирилди ёки мос равишда хизматга нисбатан 88,4 фоиз маблағлар ундирилди.

Шунингдек, етказиб берилган электр энергиясидан қарздорлик йил бошига нисбатан 20,3 млрд.сўмга камайтирилишига эришилган.

Бироқ, йил бошига нисбатан дебитор қарздорликни жами 16,3 млрд.сўмга, жумладан, табиий газ бўйича 35,6 млрд.сўмга ва ичимлик суви бўйича 902,6 млн.сўмга қарздорликни ўсишига йўл қўйилган.

2014 йил январ-декабр ойларида 1031-тартиб асосида жами 35,1 млрд.сўм, шундан фойдаланилган электр энергияси учун корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимлардан 25,8 млрд. сўм ва етказиб берилган табиий газ учун эса 9,3 млрд.сўм маблағ ундирилган.

Шунингдек, қоида бузарларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилиб, 2014 йил мобайнида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган 1336 та улгуржи истеъмолчиларга белгиланган тартибда далолатномалар асосида 33,5 млрд.сўмлик электр энергияси қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Хўжалик судига киритилди. Шундан суд томонидан қаноатлантирилган даъволар сони 1278 та ёки 33,1 млрд.сўмни ташкил этади.

Аҳоли истеъмолчиларнинг 2014 йил давомида 41474 та истеъмолчилар 21036,3 млн.сўм муддати ўтган қарзи учун белгиланган тартибда тармоқдан ўчирилиб, шундан 6459 та истеъмолчилар томонидан 1743,3 млн.сўм миқдорида ихтиёрий равишда тўлов амалга оширилган.

Табиий газ таъминотида аҳоли истеъмолчиларининг дебитор қарздорлигини камайтириш мақсадида 2014 йил январ-декабр ойларида 19435 та истеъмолчиларнинг 21900,3 млн.сўм қарздорликлари учун фуқаролик судларига ҳужжатлари топширилди. Фуқаролик судлари томонидан 18936 та истеъмолчиларнинг 21410,0 млн.сўмлик йирик қарздорлиги учун суд қарорлари чиқарилди. Шундан 4093 истеъмолчилардан 3983,8 млн.сўм қарздорликлари ундирилди.

Наманган вилояти "Сувоқава" корхонаси томонидан истеъмолчиларга кўрсатилган ичимлик ва оқава сув хизматларидан бўлган дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида 2014 йил 12 ой якуни билан 49 та улгуржи истеъмолчи 2,8 млрд.сўмга хўжалик судларига берилиб, 12 та истеъмолчилардан жами 2,8 млрд.сўм маблағлар ундирилди.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонлари бўйича жами 1453 та истеъмолчи 692,4 млн.сўмга фуқаролик судларига берилиб шундан, 883 та истеъмолчиларни 484,7 млн.сўмга ҳал қилувчи қарори чиқарилиб, ижро орқали 140 та истеъмолчилардан 18,0 млн.сўм маблағлар ундирилди.

Шунингдек, иссиқ сув ва иссиклик таъминотини бўйича дебитор қарздорлиги юқори бўлган аҳоли хонадонлардан 1229 та (366,5 млн.сўмлик) фуқаролик судига даъво аризалар киритилиб, ижро департаменти томонидан 51,7 млн.сўм маблағлар ундирилди.

Ахолига кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошмаслиги хамда дебиторлик қарзларнинг ўсиши коммунал хўжалиги корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда Наманган шахар коммунал хизматлардан фойдаланиш корхоналари томонидан 5 та хизмат (иситиш ва иссиқ сув таъминоти, совуқ сув таъминоти, газ таьминоти, санитар тозалаш, электр энергияси) тури бўйича мижозлардан тўловлар йиғиш йўлга қўйилган. Тўлов масалалари билан барча ташкилотларда бевосита банд бўлган ходимларга йиллик харажатлар хажми хам тегишли суммани ташкил этади. Мижозларнинг сурункали дебиторлик

қарзлари камайтириш ва тегишли хизматлар учун тўловларни йиғиш хам паст самарали натижа билан тавсифланмоқда.  Хар бир мижоз билан боғлиқ ноқулайлик ва камчиликлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Хар бир мижоз кўрсатиладиган коммунал хизматлар таркибий тузилишидан келиб чиққан ҳолда хар бир коммунал хизмат турига мос 5 та мижозлик дафтарчаси ва хисоб рақамига зга бўлиши талаб этилади. Бу билан тўловларни амалга ошириш учун хар бир хизмат турига мос бўлган хисоб рақами кўрсатилган холда 5 та квитанция тўлдирилади.

2. Мижоз учун тўловга аниқлик киритиш зарур бўлганда 5 та ташкилотга боришига тўғри келади.

3. Аксинча холатда, тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган мижозларникига 5 та ташкилот вакиллари ёки хўжалик суди вакиллари 5 мартагача ташриф буюришади.

4. Тўловларда узилиши бўлган бир мижоз учун коммунал хизмат корхоналари томонидан судга 5 тургача бўлган даъво аризаси тайёрланади.

Юқоридаги вазиятни ўрганиш ва ўтказилган тахлилларга кўра тўловлар йиғишни яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналарнинг юқори ташкилоти - Наманган вилояти хокимлиги “Уй жой коммунал хўжалигида ислохотларни амалга ошириш департаменти” томонидан МЧЖ шаклидаги махсус ташкилот - ягона хисоб-кито6 маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Марказнинг шахар ва туман худудларида замонавий ахборот компьютер тизими билан жихозланган хисоб-китоб пунктлари ишга туширилади. Ягона хисоб-китоб маркази барпо этилгач, барча ташкилотларда тўлов масалалари билан бевосита банд бўлган ходимлар сони камаяди.

Билдирилган таклиф буйича кугилаётган натижа қуйидаги йўналишларда бахоланади:

1. Тўловлар бўйича: аниқлик, ишончли назорат, салбий холатларга бархам бериш, малакали юридик хизмат, қарздорлар билан мақсадли ишлаш, тушум яхшиланиши, тўловчанлик ва молиявий барқарорлик тикланиши,

малакасиз ноннсоф шахслар томонидан пулларнинг ўзлаштирилиши каби салбий холатларга бархам берилиши таъминланади,

2. Янги шароитда олдинги шароитдагига нисбатан тўловлар йиғишдаги ходимлар улуши камаяди. Бу эса, тўловлар йиғишдаги ходимларга йиллик харажатлар хажмини тежаш имконини беради. Таклиф этилаётган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш бошқарув такомиллашуви хисобига мехнат унумдорлиги 20 фоиз ортишига олиб келади.

Тўловларни йиғиш тизимини тубдан қайта ташкил этиш махсус ташкилот ягона умумшахар хисоб-китоб марказининг фаолияти корхоналарни анъанавий ёндашувдан халос этади. Дастлабки хисоб-китобларга қараганда бундай марказ ахоли билан ишлашни тубдан яхшилаш, тўловлар тушумининг тезлашувини ва хизматларни реализация қилиш харажатларини қисқартириш имконини беради. Икки томонлама бўйсунувчи ва унга махаллий шарт-шароитлар катта таъсир ўтказувчи кўп кичик тармоқли, мураккаб соха хисобланган уй-жой коммунал хўжалигининг ягона хисоб-китоб марказини ташкил этиш тўловларни тартибга солишда алохида ахамият касб этади, демак, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йирик шахар уй-жой коммунал хизматларига тўловнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда тўлов механизмларини тартибга солиш уй-жой коммунал хизматлари тўловлари тўлиқлигини таъминлаб, ходимлар салохиятидан самарали фойдаланишга ўтилади. Бунда коммунал хўжалиги хизматлари учун истеъмолчилар томонидан тўловлар тўлиқлигини таъминлашнинг услубий асослари такомилаштирилиши кўрсатилаётган коммунал хизматлар ва уларга амалга оширилаётган тўловларнинг ўзаро номутаносиблигига бархам беришга қаратилади.

## 2.3. Наманган вилоятида истеъмолчн-мижозларнинг коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида коммунал хизмат кўрсатиш сохасининг барқарор суръатларда ривожланиш тамойилларидан

бири тежамкорлик хисобланади. Мазкур сохадаги тежамкорлик мижозларнинг иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр энергияси каби ижтимоий товар ва хизматларни истеъмол қилиш жараёнларини муайян меъёрларга мувофиқ холда ташкил этилишидаги муносабатларини ифодалайди. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг молиявий-иқтисодий салохият даражаси тежамкорлик фаолиятининг барқарорлиги билан бевосита боғлик. Чунки, республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “...қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, мехнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар махсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда”[20].

Бундай холат коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилган ишлар хажмидаги таннарх шаклланишида хам ўз аксини топмоқда. Яъни, анъанавий хизмат усулидаги мавжуд тарифлар монопол хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўз салохиятларидан самарали фойдаланмаётганлиги билан бир қаторда истеъмолчиларнинг хам тежамкорлигини рағбатлантирмаётганлиги билан тавсифланади. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш сохасида истеъмолчилар томонидан иссиқ ва совуқ сув истеъмолида сурункали равишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши хали ечимини кутаётган амалий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу билан коммунал хўжалиги субъектлари барқарор ривожланишига эришиш учун моддий ва энергия ресурслари сарфи тежамкорлиги механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурати ортмоқда, бинобарин, коммунал хизматлар бўйича тежамкорлик механизмининг фаоллашув даражаси таннархнинг арзонлашуви, кам маблағ билан хизмат кўрсатиш кўлами ва доирасини кенгайтириш, сифатнинг яхшиланиши кабиларга эришишда устувор омил хисобланади.

---

[20] . Каримов И.А.” 2012 йил. Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаридиган йил бўлади”. -Т.: Ўзбекистон, 2012.

Ушбу холатлардан келиб чиққан холда республикамизда коммунал хизмат кўрсатиш сохасига замонавий хисобга олиш асбоблар ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 11 январдаги ВМ-61 сонли “Коммунал хизмат кўрсатиш сохасига замонавий хисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида”[21] ги Қарорига биноан хамда Республикамиз Президентининг 03.01.2007 йил ПҚ-553-сонли “Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув хисоблагич асбоб-ускуналари билан жихозлаш инвестиция лойихасини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув хисоблагич асбоб-ускуналари билан таъминлаш дастури бажарилмоқда. Бунда “Ўзкоммунхизмат” агентлигига Шанхай Хамкорлик Ташкилоти мамлакатларига бериладиган муддати 20 йил бўлган, беш йил имтиёзли даврни хисобга олган холда, 17293502,35 АҚШ долларига тенг имтиёзли кредит линияси ажратилганини алохида таъкидлаш лозим.

Наманган вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш тизими ривожланган худуд Наманган шахри хисобланади. Наманган вилоятидаги кўп хонадонли уй-жой фондининг асосий қисми Наманган шахри салмоғига тўғри келади. Наманган шахри коммунал хизмат кўрсатиш сохалари фаолиятини бошқариш эса, шахар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси томонидан амалга оширилади. Бирлашма томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг асосий салмоғи иссиқлик таъминотига тўғри келади. Кейинги улушни иссиқ ва совуқ сув харажатлари ташкил этади.

[21] Коммунал хизмат кўрсатиш сохасига замонавий хисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг /1.02.2005 й. 61-сонлu / Қарори Узбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2005.йил, 5- 6сон, 36 модда.

2.3.1-жадвал

Наманган шахридаги уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув хисоблагич асбоб-ускуналари билан жихозлаш динамикаси

| 2012-2015 йиллар учун мавжуд холат | | |
|---|---|---|
| Курсаткич номи | Иссиқ сув | Совуқ сув |
| Жами мижозлар сони, нафар | 135 200 та | 163 600 та |
| Шундан: хисоблагич ўрнатилиши | | |
| 01.01.2012 йил жами | 135 104 та | 162 520 та |
| фоизи | 86 % | 35 % |
| 01.01.2013 йил жами | 134 211 та | 163 585 та |
| фоизи | 91 % | 55 % |
| 01.01.2014 йил жами | 133 701 та | 163 585 та |
| фоизи | 92 % | 61 % |
| 01.01.2015 йил жами | 133 606 та | 163 585 та |
| фоизи | 93 % | 68 % |
| 2016-2017 йиллар учун таклиф | | |
| Кўрсаткич номи | Иссиқ сув | Совуқ сув |
| 01.01.2016 йилга | 133 606 та | 163 585 та |
| Фоиз | 93 % | 68 % |
| 01.01.2017 йилга | 160 327та | 196 302 та |
| Фоиз | 94 % | 72 % |
| 01.01.2018 йилга | 187 048 та | 229 019 та |
| Фоиз | 96 % | 75 % |

Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистан Республикаси “Ўзкоммунхизмат” агентлиги Наманган вилояти хокимлигининг “Уй жой коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти” Наманган шахар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмасида шахар иссиқлик ва совуқ сув таъминотининг Марказлашган тизимида уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув хисоблагич асбоб-ускуналари билан таьминлаш дастурининг бажарилиши юзасидан 01.01.2015 йил холати учун ўтказган тахлилларимиз натижалари вилоят уй жой фондини совуқ ва иссиқ сув хисоблагич асбоб-ускуналари билан жихозлаш динамикасига оид маълумотлар 2.3.1-жадвалда келтирилган.

“Наманган иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонасида иссиқ сув бўйича 133606 нафар мижознинг 124254 нафари ёки 93% фоизи, “Сувоқава” корхонасида совуқ сув бўйича 163585 нафар мижознинг 111238 нафари ёки 68 фоизи хисоблагич асбоб-ускуналар билан жихозланган.

2.3.2-жадвал

Совуқ ва иссиқ сув хисоблагич ўрнатилган истеъмолчи-мижозлар учун учун хақиқий сарф миқдори ва меъёрга нисбатан тежамкорлик хисоби

| Сана ва кўрсаткич номи | 1. Тўлов меъёри, сўм. | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Совуқ сув | | Иссиқ сув | |
| | Хисоблагич ўрнатил ганлар учун 1 $м^3$ | Хисоблагич ўрнатилма ганда 1 киши учун, 10,6 $м^3$/1 ой | Хисоблагич ўрнатилганлар учун 1 $м^3$ | Хисоблагич урнатилмаганда, 1 киши учун, 3,2 $м^3$/1 ой |
| 01.01.11 | 420 | 4468,8 | 2810,6 | 9906,7 |
| 2. Хисоблагич ўрнатилган мижозларга, 1 ойга 1 киши учун | | | | |
| 2008-2010 йиллар учун | 2.1 . Хақиқий сарф миқдори | | | |
| | Совуқ сув | | Иссиқ сув | |
| $м^3$ | 7,9 | | 2,62 | |
| сўмда | 7,9 x 420 = 3318 | | 2,62 x 2810,6 = 7363,8 | |
| 2.2. Меъёрга нисбатан тежамкорлик | | | | |
| $м^3$ | 10,6 - 7,9 = 2,7 | | 3,2 – 2,62 = 0,58 | |
| сўмда | 2,7 x 420 = 1152,9 | | 0,58 x 2810,6 = 1630,15 | |
| фоизда | 100 -100 x (7,9 / 10) = 21 | | 100 -100 x (2,62 / 3,2) = 18,125 | |
| 3. Жами мижозлар учун 1 йиллик кўрсаткичлар | | | | |
| 01.01.15 йил | 3.1. Кутилаётган сарф миқдори | | | |
| Минг. $м^3$ | 7,9 x 12 x 163585 / 1000 =15507,88 | | 2,62 x 12 x 133606 /1000 = 4200,57 | |
| млн, сўм | 15507,88 x 4468,8 / 1000=69301,61 | | 4200,57 x 2810,6 / 1000=11806,12 | |
| 3.2. Меъёрга нисбатан кутилаётган тежамкорлик | | | | |
| Минг. $м^3$ | 2,7 x 12 x163585 / 1000 = 5300,15 | | 0,58 x 12 x 133606 / 1000 = 929,90 | |
| Млн. сўм | 5300,15 x 420 / 1000 = 2226,10 | | 929,9 x 2810,6 / 1000 = 2613,58 | |
| Жами, млн.сўм | 2226,10 + 2613,58 = 4839,68 | | | |

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш коммунал хўжалиги субъектларининг

тежамкорлик механизмига амал қилишини такомиллаштириш ва хизмат самарадорлигини оширишда мухим ахамият касб этади. Чунки, коммунал хўжалик корхоналарида амалга оширилаётган модернизациялаш ва технологик янгилаш борасидаги фаолияти тахлили нагижалари қуйидаги амалий таклифларни умумлаштириш имконини берди.

Наманган вилояти уй-жой фондидаги оилалар учун совуқ ва иссиқ сув истеъмолида қулай ва тежамкор ташкилий шароит яратишни нихоясига етказиш, яъни:

- 2018 йилгача мижозлар хонадонларида совуқ ва иссиқ сувни, кўп квартирали уйларга кириш жойларида иссиқлик энергиясини хисобга олиш асбоб-ускуналари ўрнатишни тўлиқ тугаллаш;
- йил давомида совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимида мижозларни хатловдан ўтказишни изчил давом эттириш;
- исрофгарчиликка чек қуйиш ва тежамкорликнинг бевосита самарадорлигидан бахраманд бўлиш имкониятини яратиш долзарб вазифа хисобланади.

Фикримизча, танланма кузатув хулосаларга кўра, ишлаб чиқилган таклифларнинг инобатта олиниши билан (2.3.2-жадвал):

- истеъмолчи мижозлар томонидан совуқ ва иссиқ сув ресурсларини тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланишга;
- истеъмолчи-мижозлар учун кўрсатилаётган совуқ ва иссиқ сув таъминоти хизматларининг хажми ва қийматини якка тартибда хисобга олиш ва сўзсиз риоя этиш механизмига ўтилади;
- совуқ ва иссиқ сув истеъмолчи мижозларининг тўлов қобилияти камида йигирма фоизга мустахкамланади.

Тежамкорлик фаолиятини бахолаш кўрсаткичлари бўйича тахлилларимизга кўра, 2012-2015 йилларда совуқ ва иссиқ сув хисоблагичлар билан таъминланган абонентларнинг таъминланмаган холатларидаги совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланиш холати таққосланганда тежамкорлик даражаси совуқ сувдан 21 фоизни, иссиқ сувдан 18,125 фоизни ташкил этди. Ўз

вақтида хизмат кўрсатишни таъмирлайдиган совуқ ва иссиқ сувни хисобга олиш узелларини ўрнатиш фаолиятини ниҳоясига етказишни жадаллаштириш мижозларнинг тежамкор иссиқлик ва сув таъминоти ортишига хизмат қилади.

Демак, бир томондан, мижозлар учун кўрсатилаётган совуқ ва иссиқ сув таъминоти хизматларининг хажми ва қийматини якка тартибда хисобга олишнинг таъминланиши, иккинчи томонидан, тўлов тарифларининг кескин ортиши тежамкорликдан манфаатдорликка интилиш, пировардида камида совуқ сувдаи 21 фоиз, иссиқ сувдан 18,125 фоиз маблағ тежалшига эришилади .

Жами мижозлар учун 2015 йилда меъёрга нисбатан кутилаётган жами тежамкорлик 4839,68 млн. сўм., шундан совуқ сувдан 2226,10 млн. сўмни, иссиқ сувдан 2613,58 млн. сўмни ташкил этади. Демак, Наманган вилояти коммунал хўжалиги субъектларида тежамкорлик механизми амал қилишини ташкилий-хуқуқий жихатдан такомиллаштириш бўйича юқорида келтирилган илмий - амалий тавсиялар коммунал хизмат сифати ва кўламини юқори савияга кўтариши билан бир қаторда истеъмолчилар тежамкорлиги фаоллашувига хизмат қилади.

## II-боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги “2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури ва 2016 йил учун асосий қурилиш параметрлари” тўғрисидаги ПҚ-2282 сонли қарорига мувофиқ 2015 йилда 23 янги массивлар барпо этилиб, уларда умумий майдони 79,1 минг кв.метрни ташкил этадиган 848 та замонавий уйлар қурилиши кўзда тутилган. Мазкур уйларда истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатадиган 7 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари яратилади.

Шунингдек, ташқи муҳандислик ва инфратузилма объектларидан, 19,6 км ичимлик суви, 19,3 км электр ва 20,1 км газ тармоқлари ҳамда 17,3 км ички йўллар қурилиши белгиланган.

Вилоятдахозирги кунда 1116 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, шундан, 1012 та уй ва ундаги 32355 та хонадонлар, 273 та хусусий уй жой мулкдорлари (ХУЖМШ) ширкатлари бириктирилган. ХУЖМШларнинг бошқарувидаги турар жойлар сонини мақбуллаштирилиши натижасида вилоят бўйича 1 та ширкатга ўртача 4 тадан кўп қаватли уй-жойлар тўғри келмоқда.

Вилоятда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг дебитор қарздорлигини ўсиб кетмаслигини олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар ва туманлардаги ҳар бир МФЙлар ҳудудида коммунал тўловларни қабул қилиш билан шуғулланувчи махсус штаблар фаолият олиб бормоқда. Штабларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва банкдан масъуллар бириктирилиб, тўлов терминаллари билан жиҳозланган.

Бунинг натижасида, аҳолига етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун маблағ ундириш банк кассалари орқали айланишига эришилмоқда.

2014 йил январ-декабр ойларида барча турдаги истеъмолчиларга 445,9 млрд.сўм, шундан аҳолига 210,0 млрд.сўм хизмат кўрсатилиб, жами 425,3 млрд.сўм, аҳолидан эса 156,1 млрд.сўм ёки мос равишда хизматга нисбатан 95,4 фоизга ва аҳолидан эса 74,3 фоизга маблағ ундирилди.

Республикамиз иқтисодиётини модерназациялаш шароитида уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари учун тўловларни ташкил этиш ва бошқариш муаммоси, жумладан, газ, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари билан ташкилотлар, корхоналар ва ахоли ўртасидаги ўзаро муносабатларнинт бозор механизмини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Айниқса, йирик шахар уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг тўлов механизмларини такомиллаштириш зарур.

Юқоридаги вазиятни ўрганиш ва ўтказилган тахлилларга кўра тўловлар йиғишни яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналарнинг юқори ташкилоти - Наманган вилояти хокимлиги “Уй жой коммунал хўжалигида ислохотларни амалга ошириш департаменти” томонидан МЧЖ шаклидаги махсус ташкилот - ягона хисоб-китоб маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Марказнинг шахар ва туман худудларида замонавий ахборот компьютер тизими билан жихозланган хисоб-китоб пунктлари ишга туширилади. Ягона хисоб-китоб маркази барпо этилгач, барча ташкилотларда тўлов масалалари билан бевосита банд бўлган ходимлар сони камаяди.

Коммунал тўловлар бўйича: аниқлик, ишончли назорат, салбий холатларга бархам бериш, малакали юридик хизмат, қарздорлар билан мақсадли ишлаш, тушумни яхшиланиши, тўловчанлик ва молиявий барқарорлик тикланиши, малакасиз ноннсоф шахслар томонидан пулларнинг ўзлаштирилиши каби салбий холатларга бархам берилиши таъминланади, тўловлар йиғишдаги ходимлар улуши камаяди. Бу эса, тўловлар йиғишдаги ходимларга йиллик харажатлар хажмини тежаш имконини беради. Таклиф этилаётган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш коммунал хўжалигида бошқарувни такомиллашуви хисобига мехнат унумдорлиги ортишига эришилади.

# III- БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 3.2. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бошқарув бўғинларига ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш

Ўзбекистан Республикаси иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш сохасида ахборот алмашиш, умумий қабул қилинган меъёрлар ва амалиёт билан уйғунлаштириш хамда унификациялаш йўналишида ривожланаётган халқаро хамкорликда иштирок этишга интилмокда.

Ўзбекистан газ саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-хуқуқий ва ахборот асослари аста-секин цивилизациялашганлик ва умумий халқаро жараёнларга интеграциялашганлик белгиларига эга бўлиб бормоқда. Хозирги вақтда инсонларнинг қоғоздаги ахборот билан тарқоқ холда ишлашдан электрон хужжатлар билан жамоавий меҳнат қилишга ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. У, масалан, газ саноати корхоналарида асосий, дастлабки, таъминловчи операцияларни бажариш чоғида қарорлар қабул қилишда вақтни тежаш имконини беради. Бу янги хақиқат бўлиб, унда компьютер ва бошқа АКТларининг муқаррарлиги, тезкорлиги ёзма хабарларга хос бўлган чуқурлик ва мазмундорлик билан уйғунлашади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ахборот тавсифлари тўпламининг катталашиши бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширищда ноаниқлик ва хатарлар пайдо бўлишига олиб келди. Буларнинг барчаси ахборот тамойилига асосланган тартибга солишни кенг кўламда қўллаш учун шароит яратди.

Ўтган асрнинг 80-90-йиллари мобайнида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида газ саноати корхоналари якка тартибдаги ҳисоблаш воситалари ва локал тармоқлардан компьютер базасида бошқарувнинг

ахборот тизимларини яратишга ўтишни жадал сурьатлар билан амалга оширишга мажбур бўлди. Корхонада бошқарув жараёнлари ахборот детерминациясининг функционал чизмаси расмда келтирилган.




3.1.1. Расм. Корхонада бошқарув жараёнларни ахборот детерминациясининг функцнонал чизмаси

Иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг глобаллашуви ва интеграциялашуви минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимини шакллантиришни жадаллаштириш заруратини келтириб чиқарди ва газ етказиб бериш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг янги усул ва воситаларини қидиришга ундади. Газ етказиб бериш корхоналари ва ташкилотларида турли ахборот тизимлари қўлланилади. Шу билан бирга таькидлаш лозимки, минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ушбу ахборот тизимлари юқоридаги белгиларга эга.

Газ саноати корхоналарида бошқарув тузилмаларининг ахборот таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади: газ савоати корхоналари жараёнлари иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар; тезкор маълумот базалари ва х.к. Газ саноати корхоналарида бошқарув ахборот таъминоти умумтизим ва локал маълумотлар базаларида шаклланадиган ва сақланадиган кирувчи ва чиқувчи ахборот массивлари ташкил қилади. Умумтизим маълумот базалари хужжатли ва фактографик маълумотлар базаси асосида интеграциялашган ахборот майдони кўринишида шаклланиши керак. Локал маълумот базалари бир фойдаланувчи ёки

фойдаланувчилар гурухи ишлаши учун зарур бўлган ахборотларни ўзида мужассам этади.

Табиий газни етказиб беришда хар қандай бошқарув технологиясининг ахборот хуқуқий асосини тўлиқ англаш минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тазимларини лойихалаштиришга нисбатан ёндашувни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бу ерда ҳам лойихалаштириш босқичидаёқ “ахборот оқимларини” қайд этиш тамойили асос қилиб олинган банк ахборот тизимлари мисол бўлиб хизмат қилади. Яъни, компьютер ахбороти билан ҳар қандай харакат хужжатлаштирилиши ва назорат қилиниши керак.

“Наманган худудий газ таъминоти” корхонаси вазифалари ва ваколатлари доирасида етказиб бериладиган газнинг хажми, газ қувурларининг техник холати, маълумотларга ишлов бериш ва газ қувурларининг ишлаш ҳолати тахлили бўйича ахборотлар тўпланади. Ахборотлар хажми, шакли ва тақдим этиш графиги асосида тўпланган ахборотлар қайта ишланади. Қайта ишланган ахборотлар асосида бошқарувда қарорлар қабул қилинади.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларида ахборот таъминоти бошқарувнинг таклиф этилаётган назарий модели иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг барча манфаатдор иштирокчилари билан алоқанинг самарали тизимини йўлга қўйиш имконини берган холда, қарорлар қабул қилиш тартиботларини соддалаштиради ҳамда унинг вақти ва жараёнларини қисқартиради, шунингдек, газни етказиб беришни жадаллаштиришга, тизимнинг газ саноати ахбороти билан халқаро алмашувга интеграциялашувига кўмаклашади.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларида бошқарув муаммоларини ҳал этишнинг умумий чизмаси сифатида шахар (туман) газ бўлимининг автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида ташқи мухитдан келиб тушадиган маълумотлар асосида бошқарувчи ахборот оқимини яратишни таклиф этиш мумкин. Газ саноати

корхоналарида рекуррент жараёнининг моҳияти орқага қайтадиган изчилликларга асосланади, бунда қарорлар қабул қилишнинг ҳар бир кейинги алгоритми муайян қоида бўйича - аввалги алгоритм орқали ифодаланади.

Минтакавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимининг мазмуни ушбу ишда корхонани бошқариш натижаларига йўналтирилган доимий ахборот таъминотини таъминловчи ахборот операциялари ва стратегик ҳисобга олиш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш усулларининг мажмуи сифатида белгиланган. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида “Наманган худудий газ таъминоти” корхонасининг иқтисодий ва ишлаб чикариш фаолияти режа билан бошқариладиган бўлиб қолади.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларидан фойдаланишга нисбатан янгича ёндашувлар зарур ва биз уларни 3.1.1-жадвалда келтирдик.

3.1.1-жадвал

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида бошқарув ахборот тазимларининг белгилари

| № | Белгилар |
|---|---|
| 1 | Кўпинча минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимини шаклантиришнинг мамлакатимиз газ саноати иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олмайди |
| 2 | Ушбу тизимлар харакати ахборот-технологик майдонида катта фарқлар мавжуд |
| 3 | Ушбу тизимлар мамлакатимизнинг улкан ахборот маконларини, шу жумладан, ахборот тизимларини қуришдаги мннтақавий жихатларни ҳисобга олмайди |

Компьютер тармоғини ташкил этишда топологияни танлаш, яъни тармоқ қурилмалари билан кабел инфратузилмасини ихчамлаштириш ўта муҳим ҳисобланади. Тармоқнинг ишончли ва самарали ишлашини, тармоқ маълумотлари оқимларини қулай бошқаришни таъминловчи топологияни

танлаш зарур. Тармоқ уни ташкил этиш қиймати ва кузатилиши бўйича унчалик қиммат бўлмаслиги, лекин айни пайтда уни янада кенгайтириш ва янада юқори тезликка эга бўлган алоқа технологияларига ўтиш учун имконият сақланиб қолгани маъқул.

"Ўзтрансгаз" АК ва унинг Унитар корхоналари мутахассислари томонидан табиий газ ҳисобини юритишни тартибга солиш учун "GazBilling" автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, локал ва глобал тармок технологиясида ишлайди.

"Наманган худудий газ таъминоти" корхонаси локал тармоғига уланган фойдаланувчиларни жамоа бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш ва улар ўртасида маълумотлар алмашишга, шунингдек, ташкилий иқтисодий бошқариш тизимларида янги АКТларини амалга оширишга имкон беради. Шу билан бирга дастур, принтер, модем ва бошқа қурилмалардан биргаликда фойдаланиш, яъни компьютер ресурсларини тежаш ва ищда кўп қулайликлар яратишга имкон беради.

Глобал тармоқнинг ривожланиши ва ахборотларни олиш, қайта ишлаш, ишлатишнинг янги технологиялари пайдо бшлиши билан Интернет тармоғида турли шахс ва ташкилотларнинг эътибори қаратилди. Кўплаб ташкилотлар ўз локал тармоқларини глобал тармоққа улашга қарор қилишган. Глобал тармоққа ўтишнинг асосий мақсади масофадан туриб, маълумотларга эга бўлиш ва маълумотлар алмашувини тезкорлик билан амалга оширилишидир.

"Наманган худудий газ таъминоти" корхонаси глобал тармоғи ёрдамида "Ўзнефтгаз" Холдинг компанияси, "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси, Наманган шахар хокимияти, вилоят хокимияти, магистрал газ қувурлари бошқармаси, "Водийгазтаъминот" корхонаси "Трансгазтехникбутлаш"' корхонаси, шахар, тумангаз корхоналари ва ташкилотлари билан ахборотлар алмашадилар. Наманган шахар ва вилоят вилоят хокимияти, "Ўзнефтгаз" Холдинг компанияси, "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси корхоналари берилган махсус пароль ёрдамида Интернет тармоғига уланиб, газ саноати ва

газ етказиб бериш ҳолати, юридик ва жисмоний шахслар қарздорлиги хақида маълумотларга эга бўлиш имконияти пайдо бўлади.

## 3.2. Хизматлар соҳасини самарали бошқаришни такомиллаштириш

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, иқтисодиёт тармоқларининг барча жабхаларида, жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилиб, ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг юқори рентабелликка эга бўлишлиги, ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборини ўзига жалб қилди. Чунки, айрим йирик ишлаб чиқариш тармоқлари, шунингдек енгил ва юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқариш компаниялари ўз маҳсулотини сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш билан шуғулланишни ҳохламагани ёки моддий имкониятга эга бўлмагани мустақил кичик бизнес субъектларига катта имкониятлар очиб бермоқда. Бунда сервис хизматини кўрсатувчи кичик бизнес субъектлари ўз рақобатбардошлиги устида ишлашга мажбур бўлиб, корхонани оптимал хажмлари, нархларни пасайтириш, шартнома асосида ишлаш, кафолатланган сифат ва хизматлар диверсификациясини таъминлаш ҳамда бошқарувнинг энг самарали механизмларидан фойдаланишга мажбур бўладилар.

Республикамизда 2013 йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқланди.

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан

ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди[22]

Муваффақият қозонган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектлари, одатда истеъмолчига маълум бир кафолатларни берадиган аниқ шартнома асосида ишлайдилар. Бундай шартномаларни иккита асосий тури мавжуд: йиллик ва чегараланган буюртма.

Йиллик хизмат кўрсатиш нисбатан қимматроқ туради, бироқ бир йил давомида чекланмаган миқдорда тўлиқ хизмат кўрсатишни назарда тутади. Чекланган буюртмада фақат маълим бир иш хажми бўйича шартнома тузилади в ундан ташқари ишлар учун тўлиқ таърифга биноан алоҳида хақ олинади. Бунда асосий шартномага қўшимча келишувлар тузилади.

Доимий рақобат шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ўзларига жозибадор имиж яратишлари керак бўлади. Камдан-кам холларда имиж ўз-ўзидан, яъни тасодифан пайдо бўлади. Шунинг учун, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари корхона обрўси, маҳсулот ва хизматлар сифатини ўзида

---

[22] Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Т.: “Ўзбекистон”. 2015й.

мужассам этган самарали имижни онгли равишда шакллантиришлари лозим бўлади. Бу ўз навбатида қуйидагиларга имкон беради:

- рақобатчилар таклифлари ичида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг ижобий хусусиятларини бўртириб кўрсатиш;

- катта тежамкорлик билан хизмат кўрсатиш;

- сервис рекламасининг истеъмолчиларга таъсирини янада кучайтириш.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектлари услубининг элементларига: ишлаб чиқарилаётган товарлар ёки кўрсатилаётган хизматлар белгиси, логотип, субъект шиори, шрифт, ранг ва бошқалар киради.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектининг услуби тушунчаси билан биргаликда унинг синоними мифатида “брэнд” тушунчаси қўлланила бошланди. Брэнд шахсий истеъмолчилар ва корпоратив буюртмачилар билан ишлашда катта ахамиятга эга. Брэнд деганда истеъмолчи онгида кичик бизнес субъекти хақида ижобий тасаввурни шакллантиришга ёрдам берадиган товар ва хизматларнинг моддий ва номоддий сифатларининг мажмуаси тушунилиб, у кичик бизнес субъектининг сервис бозоридаги ўрнини аниқлайди. Брэнд тушунчаси учун техник ва эстетик мукаммаллик даражаси, ўрам дизайни, сервис билан транспорт қулайликлари ҳамда кафолатланган хизмат кўрсатиш жихатлари муҳимдир. Бунда сўз ва график ифодаланиш кичик бизнес субъектининг брэнд образининг ажралмас атрибутлари бўлиб, ишлаб чиқарувчининг индивудиаллаштириш воситалари сифатида хизмат қилади. Хар бир сервис корхонаси ўз брэнд стратегиясига эга бўлиши керак.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг брэнд стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг ривожланиш истиқболлари ҳисобга олинганлиги учун корхонани бошқариш жараёнининг самарадорлигини оширишга хам хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг муваффақиятини таъмнлашнинг асосий омилларини идинтификация қилиш ахборот тизимларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ равишда пайдо бўлади. Релевант ахборотни изчил равишда йиғиш, аҳамиятсиз маълумотларни саралаш стратегик режалаштириш учун муҳимдир. Корхонанинг ички имкониятлари ва ўсиш салоҳиятини ташқи бозор мухити омиллари билан уйғунликда режалаштириш учун SWOT тахлилини ўтказиш лозим бўлади.

Корхона ўз стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштириш билан шуғулланар экан, режалаштиришнинг бир неча “горизонт”лари бўйича иш олиб боради ва бу билан кундалик жорий масалаларни ҳал қилиш амалиётини узоқ келажак истиқболлари билан боғлайди ҳамда стратегик мақсадга эришишга ёрдам берувчи оралиқ тактик ечимларни қидиради. Корхонанинг ривожланиш салоҳиятини яратишда сотиш фаолиятини кенгайтириш имкониятлари, сервис профессионализми даражаси, потенциал истеъмолчи билан алақа ўрнатиш қобилияти, корхона учун стратегик муҳим мижозларни топиш технологияларининг ишлаб чиқарилишига асосий эътибор қаратилиши ва аҳамият берилиши лозим. Профессионал даражадаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги тадбиркор ўртача тадбиркордан ўз фаолиятида инсон хусусиятлари ва мижозлар манфаатларини биринчи ўринда ҳисобга олиши билан фарқ қилади. Чунки харидорлар ва мижозлар билан турли битимларни тузиш муваффақияти турли одамлар билан учрашув ташкил қила олиш қобилияти билан боғлиқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа ишлаб чиқариш соҳалиридан шуниси билан фарқланадики, унда ишлаб чиқарувчи сотиш жараёнида бевосита истеъмолчи билан яқин алоқада бўлади, сотиш ва маҳсулот етказиб бериш амалга оширилганидан кейин ҳам ушбу алоқа сақланиб қолиши мумкин. Кузатишларимиз натижаси шундан далолат берадики, тавсияларга кўра мижоз топиш энг мақбул усул экан, чунки бунда мувофиқ битимлар тузилиши эҳтимоли ва тезлиги ортади. Демак, ишлаб чиқарувчини бошқа потенциал мижозларга тавсия қилиши мумкин бўлган доимий мижозларга эга бўлиш муваффақият калитидир.

Бунинг учун, сервис соҳасидаги кичик бизнес субъекти ўз мижозлари тўғрисида маълумотлар базасига эга бўлиши ва ундан усталик билан фойдалана олиши лозимдир.

Корхона мижоз эътиборини жалб этиши учун, қуйидаги чора-тадбирларни қўллаши мақсадга мувофиқ:

- айнан бир маҳсулот тури, хизматлар ҳусусиятларидан фойдаланиш;

- янги турдаги махсулотлар ва хизматларнинг янги ғоясини таклиф қилиш;

- табиий қизиқувчанликдан фойдаланиб, хизматларга эътиборни кучайтириш;

- махсус хизматлар ёрдамида мизожнинг хусусий муаммоларини хал қилишга ёрдам бериш;

